

# POLISH SCIENCE JOURNAL

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

Issue 8(29)



# **POLISH SCIENCE JOURNAL**

ISSUE 8 (29)

INTERNATIONAL SCIENCE JOURNAL

WARSAW, POLAND  
Wydawnictwo Naukowe "iScience"  
2020

ISBN 978-83-949403-4-8

POLISH SCIENCE JOURNAL (ISSUE 8(29), 2020) - Warsaw: Sp. z o. o. "iScience", 2020. - 97 p.

**Editorial board:**

Bakhtiyor Amonov, Doctor of Political Sciences, Associate Professor of Tashkent University of Information Technologies

Bugajewski K. A., doktor nauk medycznych, profesor nadzwyczajny

Czarnomorski Państwowy Uniwersytet imienia Piotra Mohyły

Temirbek Ametov, PhD

Marina Berdina, PhD

Hurshida Ustadjalilova, PhD

Oleh Vodianyi, PhD

**Languages of publication:** українська, русский, english, polski, беларуская, казахша, o'zbek, limba română, кыргыз тили, շաբլըն

Science journal are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post-graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees.

The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

ISBN 978-83-949403-4-8

© Sp. z o. o. "iScience", 2020

© Authors, 2020

## TABLE OF CONTENTS

### SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

<b>Қалымбетова М. Т. (Арал, Қазақстан)</b> ШАРДАРА СУ ҚОЙМАСЫНДАҒЫ ЗООПЛАНКТОННЫҢ МАУСЫМДЫҚ ӨЗГЕРІСТЕРІ.....	5
<b>Ҳакимов Ўқтам Тошботирович (Ташкент, Ўзбекистан)</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҲОЛИ ЗИЧ ХУДУДЛАРИДА ЎСИМЛИКЛАРНИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРДАН ТАБИИЙ УСУЛЛАРДА ҲИМОЯЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ.....	12

### SECTION: CHEMISTRY

<b>Бобоев А. Х., Акбарова Н. А., Хасанов Х.Т., Адхамов А. Р. (Тошкент, Ўзбекистан)</b> ҚОБИҒИ АЖРАТИЛГАН БУҒДОЙ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ҚАНДЛАШТИРИЛГАН СУСЛОНИ БИЖҒИТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.....	19
---	----

### SECTION: ECONOMICS

<b>Алиева Жанат Аскаровна, Мўминова Дилдора Дилшодовна (Тошкент, Ўзбекистон)</b> ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ.....	26
--	----

### SECTION: HISTORY SCIENCE

<b>Сантаева Кулимкоз Тензбаевна, Бейсенбеков Мейрам Бақдаулетович (Талдыкорган, Қазақстан)</b> ВОССТАНИЕ КАЗАХОВ ЖЕТЫСУЙСКОГО КРАЯ, СУДЬБА ВЫЕХАВШИХ ЗА РУБЕЖ ИЗ-ЗА ПОЛИТИКИ ПРЕСЛЕДОВАНИЯ 1929- 1933 ГОДОВ.....	30
---	----

### SECTION: PEDAGOGY

<b>Васильєва С. О. (Харків, Україна)</b> ФАКТОРИ ВПЛИВУ НА ВИХОВАННЯ ДІТЕЙ В УКРАЇНСЬКИХ СІМ'ЯХ	36
<b>Прокопенко Ірина, Штефан Марина (Харків, Україна)</b> РОЛЬ ПЕДАГОГІЧНОЇ ФАСИЛІТАЦІЇ В ОРГАНІЗАЦІЇ ХУДОЖНЬО- ПРОДУКТИВНОЇ ДІЯЛЬНОСТІ МОЛОДШИХ ПІДЛІТКІВ.....	42
<b>Ткачов Сергій Іванович, Ткачова Наталія Олександрівна, Ткачов Артем Сергійович (Харків, Україна)</b> АКАДЕМІЧНІ ЦІННОСТІ СУЧАСНОЇ УНІВЕРСИТЕТСЬКОЇ ОСВІТИ: СУТЬ, СКЛАД ТА ЗНАЧЕННЯ.....	48

### SECTION: PHILOLOGY AND LINGUISTICS

<b>Kurbonova Ozoda Ravshanova (Tashkent, Uzbekistan)</b> LEXICO-SEMANTIC FEATURES OF UZBEK-ENGLISH ANTHROPONYMS.....	54
--	----

**SECTION: PHILOSOPHY**

- Mirova Kamola Egamberdiyevna (Termiz, O'zbekiston)**  
BOSHLANG'ICH SINFLARDA TEXNOLOGIYA FANINI O'QITILISHNING  
TA'LIMI VA TARBIYADAGI AHAMIYATI..... 58
- Арабов Б. И. (Тошкент, Ўзбекистон)**  
ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА  
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА УНИНГ ТАЛҚИНИ..... 62
- Маматқулов Рустам Убайдуллаевич,**  
**Ахмедов Хамдам Аликулович (Тошкент, Ўзбекистон)**  
ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИДА МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАШ– МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ..... 69
- Холматов Баходир Холмурадович (Тошкент, Ўзбекистон)**  
“ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ” ТУШУНЧАСИ,  
УНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ..... 75

**SECTION: PHYSICAL CULTURE**

- Bugajewski K. A. (Mykołaiw, Ukraina)**  
BADANIE KWESTII TRANSGENDERYZCZNOŚCI  
W SPORTACH WSPÓŁCZESNYCH..... 81
- Абдуазимов Сабиржон Уткурович (Тошкент, Ўзбекистон)**  
ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ  
ТАРБИЯНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ..... 89
- Эшназарова Фарида Жўракуловна,**  
**Ўразов Собир Сапарбаевич (Самарканд, Ўзбекистан)**  
ЎҚИТУВЧИНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ..... 92

**SECTION: PSYCHOLOGY SCIENCE**

- Насимова Насиба Жўракуловна (Самарканд, Ўзбекистан)**  
ЎСМИР ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ – ҲУНАРГА  
ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК - ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ... 95

## SECTION: AGRICULTURAL SCIENCE

УДК 574.5

Қалымбетова М. Т.  
(Арал, Қазақстан)

### ШАРДАРА СУ ҚОЙМАСЫНДАҒЫ ЗООПЛАНКТОННЫҢ МАУСЫМДЫҚ ӨЗГЕРІСТЕРІ

*Аңдатпа.* Мақалада 2018-2019 жылдары Шардара су қоймасында жүргізілген гидробиологиялық зерттеу нәтижелері баяндалған. Зоопланктон құрамынан негізгі үш топқа жататын 34 түрі тіркелді: коловраткалар, ескекаяқты және бұтақмұртты шаянтәрізділер. Зоопланктон қауымдастығының маусымаралық сандық көрсеткіштері жоғарылағаны, биомасса негізін көктемде бұтақмұртты шаянтәрізділер, ал күзде ескекаяқтылар басымдық көрсеткені анықталды. 2019 жылы омыртқасыздардың даму деңгейі төменгі деңгейден біркелкіге көтерілді.

*Түйінді сөздер:* су қойма, зоопланктон, сан, биомасса, кездесу жиілігі, трофтылық деңгей

Kalymbetova M. T.  
(Aralsk, Kazakhstan)

### SEASONAL CHANGES IN ZOOPLANKTON IN SHARDARIN RESERVOIR

*Abstract.* This article presents the results of hydrobiological studies carried out at the Shardara reservoir in 2018-2019. As a result of the research, 34 species of zooplankton were registered, belonging to three main groups. The quantitative indices of the zooplankton of the community in the seasonal aspect increased, the main biomass in spring was formed by cladocerans, and in the fall by copepods. The level of zooplankton development in 2019, compared to 2018, increased from low to moderate class.

*Key words:* reservoir, zooplankton, abundance, biomass, frequency of occurrence, trophic level

Фергана алқабынан басталатын, Орта Азиядағы екінші орындағы, Сырдария өзені өз суларын Арал теңізіне дейін жеткізеді. Сырдария өзені бойында, өткен ғасырдың алпысыншы жылдары, Қазақстан мен Өзбекістан шекарасында, Шардара су қоймасы орналасқан. Ол үлкен ауылшаруашылық жұмыстарына қажетті суды жинау мақсатында, сондай-ақ су электр станциясын салу үшін құрылды. Суару және энергетикалық мәртебеге ие Шардара су қоймасы, сонымен бірге Қазақстанның оңтүстігіндегі ең ірі балық аулау су қоймаларының бірі болып табылады. Шардара су қоймасының гидрохимиялық режимі мен су сапасына суармалы алқаптардан ластанған коллекторлық сулардың түсуі, су фаунасының тіршілігіне өз әсерін тигізеді [1].

Сондықтан, балық шаруашылығы өз деңгейінде даму үшін, су қойма жағдайы уақытылы зерттелуі керек.

Жұмыс мақсаты – 2018-2019 жж. Шардара су қоймасы зоопланктон қауымдастығының түр құрамын, сандық көрсеткіштерін сипаттау.

**Материал және әдістеме.** Шардара су қоймасында «БШҒӨ» ЖШС Арал филиалының қызметкерлері ғылыми зерттеу жұмыстарын 2018-2019 жж. сәуір – мамыр - қыркүйек айларында белгіленген станциялары бойынша жүргізді. Зоопланктон бойынша сынамаларды жинау және өңдеу жалпылама әдістемелер бойынша орындалды [2, 3].

Жиналған гидробиологиялық материал зертханада МБС-10 және МС-300 микроскоптарымен, арнайы әдістер мен анықтамалар арқылы жіктелді [4-7]. Су қойманың трофтылық деңгейі С.П. Китаевтың классификациясы бойынша бағаланды [8].

**Зерттеу нәтижелері.** Шардара су қоймасындағы зоопланктон құрамынан 34 түрі анықталды: коловраткалар - 21, бұтақмұртты шаянтөрізділер - 8, ескекаяқты шаянтөрізділер - 5 (1 кесте). Зоопланктонның түрлілік құрамы 2018 жылы 2019 жыл көрсеткіштерімен салыстырғанда жоғары.

**Кесте 1 - Шардара су қоймасындағы зоопланктонның таксономикалық құрамы және кездесу жиелігі (%), сәуір – мамыр - қыркүйек, 2018- 2019жж.**

Таксон	Кездесу жиелігі, %			
	2018 ж.		2019 ж.	
	мамыр	қыркүйек	сәуір	қыркүйек
<b>Rotifera - Коловраткалар</b>				
<i>Synchaeta sp.</i>	31	36	88	21
<i>Polyarthra luminosa</i> Kutikova	36	7	19	7
<i>P. vulgaris</i> Carlin	29	-	19	-
<i>P. longiremis</i> Carlin	7	7	-	7
<i>Asplanchna priodonta</i> Gosse	81	14	38	29
<i>Lecane luna</i> Muller	19	-	6	-
<i>L. lunaris</i> Ehrenberg	13	-	-	-
<i>L. bulla</i> Gosse	-	-	13	-
<i>Brachionus quadridentatus</i> Hermann	6	50	13	-
<i>B. urceus</i> Linnaeus	-	14	-	-
<i>B. plicatilis</i> Muller	13	64	31	21
<i>B. diversicornis</i> Wierzejski	-	21	-	-
<i>B. calyciflorus</i> Pallas	56	50	6	43
<i>B. angularis</i> Gosse	13	-	19	43
<i>Keratella cochlearis</i> Ehrenberg	31	29	69	29
<i>K. quadrata</i> Muller	75	71	94	14
<i>K. tropica</i> Apstein	-	14	-	29
<i>Notholca acuminata</i> Ehrenberg	6	-	-	-
<i>Filinia longiseta</i> Ehrenberg	-	21	-	-
<i>Hexarthra fennica</i> Levander	-	-	6	-
<i>Collotheca mutabilis</i> Hudson	13	43	38	14
<b>Барлығы: 21</b>	<b>15</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>11</b>
<b>Cladocera - Бұтақмұрттылар</b>				
<i>Diaphanosoma brachyurum</i> Lievin	-	79	6	100

<i>Ceriodaphnia reticulata</i> Jurine	50	86	25	21
<i>Daphnia longispina</i> Muller	100	36	100	43
<i>D. galeata</i> Sars	44	64	69	-
<i>Chydorus sphaericus</i> Muller	6	7	44	-
<i>Moina micruru</i> Kurz	-	29	-	21
<i>Bosmina longirostris</i> Muller	69	36	63	14
<i>Leptodora kindtii</i> Focke	56	36	-	93
<b>Барлығы:8</b>	<b>6</b>	<b>8</b>	<b>6</b>	<b>6</b>
<b>Соперода - Ескекаяқтылар</b>				
<i>Cyclops vicinus</i> Uljanin	100	100	100	100
<i>Acanthocyclops viridis</i> Jurine	19	21	19	7
<i>Mesocyclops leuckarti</i> Claus	19	29	13	7
<i>Thermocyclops taihokuensis</i> Harada	31	57	56	29
<i>Phyllodiaptomus blanci</i> Guerne et Richard	94	100	44	100
<b>Барлығы:5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>	<b>5</b>
<b>Маусым бойынша:</b>	<b>26</b>	<b>27</b>	<b>25</b>	<b>22</b>
<b>Барлық таксон: 34</b>	<b>30</b>		<b>29</b>	

Жоғарғы жиілікте көктемде коловраткалардан - *A. priodonta*, *K. quadrata*, *B. calyciflorus*, *Synchaeta* sp. *K. cochlearis*, ескекаяқты шаянтәрізділер - *C. vicinus*, *P. blanci*, *T. taihokuensis* және бұтақмұрттылардан - *D. longispina*, *D. galeata*, *B. longirostris*, *C. reticulata*, *L. kindtii*, күз мезгілінде коловраткалардан - *K. quadrata*, *B. calyciflorus*, *B. plicatilis*, *B. quadridentatus*, ескекаяқтылардан - *C. vicinus*, *P. blanci*, *T. taihokuensis* және бұтақмұрттылардан - *D. galeata*, *B. longirostris*, *D. brachyurum*, *C. reticulate*, *L. kindtii* тіркелді

2018 жыл. Шардара су қоймасын зерттеу барысында су беті температурасы көктемде 20,2-24,6 °С, тереңдігі 3,2-10,8 м., мөлдірлігі 0,7-2,3 м., сәкесінше күзде температурасы 20,0-22,2 °С, тереңдігі 3,0-6,9 м. және мөлдірлігі 1,3-2,7 м. аралығында тіркелді. Солтүстік-батыс және оңтүстік-батыс аудандарының су тереңдігі көктем мезгілінде жоғары болды. Жағалауында өсімдіктер өсетін солтүстік-шығыс және оңтүстік-шығыс аудандарына қарағанда, солтүстік-батыс жағалау құмды үйінділерден, оңтүстік-батыс жағы сазды жартастардан тұрады. Жазда, су қойма суын ауылшаруашылық мақсатына пайдалану кезеңінде, солтүстік-шығыс және оңтүстік-шығыс аудандарының су көлемі, батыс аумағына қарағанда, едәуір төмендейді.

Көктемгі зерттеу кезеңіндегі омыртқасыздардың орташа сандық көрсеткіштері су қоймада 11,26 мың дана/м<sup>3</sup> және 95,11 мг/м<sup>3</sup> болды. Сан көрсеткішінің 73,1%-ын ескекаяқтылар, биомассаның 72,7%-ын бұтақмұртты шаянтәрізділер құраған (кесте 2).

Омыртқасыздардың жоғарғы сандық көрсеткіштері су қойманың, өсімдіктер жие кездесетін, солтүстік-шығыс және оңтүстік-шығыс жағалауларында тіркелді. Солтүстік-шығыс жағалауында жалпы ескекаяқты шаянтәрізділердің 54,7% сан және 98,0 % биомассасын *C. vicinus* шаяны құрады. Коловраткалардан басымдық көрсеткендер *A. priodonta* және *B. angularis*. Оңтүстік-шығысында жалпы биомассаның жоғарылауы бұтақмұрттылардың, әсіресе ірі *D. longispina* және *D. galeata* шаяндарының дамуымен байланысты болды. Олар бұтақмұрттылар биомассасының 90,8%-



ын құрады. Зоопланктон қауымдастығының төменгі сандық көрсеткіштері су қойманың солтүстік-батыс және оңтүстік-батыс жағалауларында анықталды. Солтүстік-батыста ескекаяқтылардан *C. vicinus* және *T. taihokuensis* науплий түрлері көп кездесе, биомассаның басым бөлігін *D. longispina* құрады. Оңтүстік-батыста зоопланктон құрамынан *C. vicinus*, *P. blanci* шаяндарының науплий түрлері және кіші көлемді *B. longirostris* басым болды.

**Кесте 2 - Шардара суқоймасы бойынша зоопланктонының негізгі топтарының орташа сандық көрсеткіштерінің маусымдық таралуы, мамыр – қыркүйек, 2018 ж.**

Аудан	Коловраткалар	Ескекаяқтылар	Бұтақмұрттылар	Барлығы
	Сан, мың дана/м <sup>3</sup>			
с-б	1,78-4,78	5,91-24,73	1,38-5,38	9,07-34,89
о-б	0,61-6,83	7,58-32,61	0,71-4,24	8,9-43,65
с-ш	1,72-7,05	11,89-25,07	1,46-3,44	15,07-35,56
о-ш	0,83-5,78	7,52-25,54	3,61-4,05	11,96-35,37
<b>орташа</b>	<b>1,24-6,11</b>	<b>8,23-26,99</b>	<b>1,79-4,28</b>	<b>11,26-34,89</b>
Биомасса, мг/м <sup>3</sup>				
с-б	1,03-2,04	20,83-229,78	47,71-134,78	69,57-366,6
о-б	0,36-2,6	28,27-327,18	30,65-88,37	59,28-418,15
с-ш	1,44-4,07	31,73-182,42	60,65-59,12	93,82-245,6
о-ш	0,87-4,35	19,18-216,92	137,7-73,9	157,75-295,17
<b>орташа</b>	<b>0,93-3,27</b>	<b>25,0-239,08</b>	<b>69,18-89,04</b>	<b>95,11-331,39</b>

Маусымдық аралықта зоопланктон қауымдастығының сандық көрсеткіштерінің жоғарылағанын байқаймыз. Ескекаяқтылар сандық көрсеткіштері бойынша басым болды (77,4% сан және 72,1% биомасса). Су қойманың оңтүстік-батыс жағалауында олардың даму қарқыны 60,1%-мен *P. blanci* шаяндарының арқасында жоғары болса, бұтақмұртты шаянтәрізділердің 70,3%-ын *D. brachyurum* және *D. galeata* құрады. Төменгі зоопланктон биомассасы су көлемі азайған солтүстік-шығыс және оңтүстік-шығыс аудандарында орын алды. Ескекаяқтылардың басым бөлігі *C. vicinus* және *T. taihokuensis* шаянтәрізділерден құралса (сәйкесінше 57,4% және 32,2%), бұтақмұрттылардың қатарынан кіші көлемді *B. longirostris* тіркелді. Су қойманың оңтүстік-шығыс жағалауында зоопланктон *P. blanci* және *C. vicinus* шаяндарының дамуымен байланысты болды. Олар жалпы ескекаяқтылардың 89,3%-ын құраған. Коловраткалар қатарынан ауданда *B. plicatilis* көп кездесті.

Зоопланктонның маусымдық өнімділігі аудандар бойынша жоғарылағанымен, балық үшін қорек төменгі, α – олиготрофты типінде, өте төмен деңгейінде тіркелді [8]. Бұл Шардара су қоймасының су деңгейінің тұрақсыз, сонымен қатар, балық шабақтары мен планктофаг-балықтарының қорек етуімен байланысты болуы мүмкін.

2019 жыл. Су беті температурасы көктемде 16,2-18,3 °С, мөлдірлігі 1,6-9,3 м., күзде сәкесінше 20,5-22,0 °С және 0,4-3,1 м. аралығында тіркелді. Сынамалар алынған жерлердің тереңдігі көктемде 3,2-17,4 м., күзде 2,1-8,0 м. дейін төмендеген. Су қойманың су деңгейі, мөлдірлігі, 2018 жылмен салыстырғанда, жоғары болды.

Зоопланктонның көктемгі биомасса негізін 81,1%-ен бұтақмұрттылар құрады (кесте 3). Олардың қарқынды дамуы су қойманың оңтүстік-батысында 99,6% үлесімен ірі *D. longispina* байланысты болды. Солтүстік-батыс жағалауында сан бойынша ескекаяқтылар (63,2%), биомасса бойынша бұтақмұртты (71,0%) шаянтөзділер алдыңғы қатарда тіркелді. Коловраткалардың 66,9% үлесі *K. quadrata* тиесілі болды. Ең төменгі зоопланктон көрсеткіштері солтістік-шығыс ауданында анықталды. Себебі, биомасса негізін бұтақмұрттылар, әсіресе *D. longispina* құрағанымен, ескекаяқты шаянтөзділердің басым бөлігін *C. vicinus* шаянының науплий түрлерінің кездесуімен байланысты болды. Коловраткалардың дамуы басқа аудандарымен салыстығанда жоғары болды. Биомассаның 55,6%-ын *Synchaeta sp.* құраған. Оңтүстік-шығыс жағалауының зоопланктоны *D. galeata* және *D. longispina* шаяндарының басымдығымен ерекшеленді.

**Кесте 3 - Шардара суқоймасы аудандары бойынша зоопланктонының негізгі топтарының орташа сандық көрсеткіштерінің маусымдық таралуы, мамыр – қыркүйек, 2019 ж.**


Аудан	Коловраткалар	Ескекаяқтылар	Бұтақмұрттылар	Барлығы
	Сан, мың дана/м <sup>3</sup>			
с-б	3,0-0,23	18,08-142,66	7,55-12,45	28,63-155,34
о-б	3,58-0,19	12,54-76,64	16,69-11,53	32,81-88,36
с-ш	2,27-1,73	10,97-199,71	6,06-3,92	19,3-205,36
о-ш	2,05-0,29	16,8-122,92	11,52-5,72	30,37-128,93
<b>орташа</b>	<b>2,73-0,61</b>	<b>14,59-135,48</b>	<b>10,46-8,41</b>	<b>27,78-144,5</b>
Биомасса, мг/м <sup>3</sup>				
с-б	1,54-0,61	136,19-1159,21	337,83-227,14	475,56-1386,96
о-б	1,69-0,1	124,3-874,49	749,16-220,41	875,16-1095,0
с-ш	3,73-0,64	41,36-970,61	249,88-72,19	294,97-1043,44
о-ш	2,42-0,12	110,53-857,25	478,77-117,59	591,73-974,96
<b>орташа</b>	<b>2,35-0,37</b>	<b>103,1-965,39</b>	<b>453,91-159,33</b>	<b>559,36-1125,09</b>

Күзге қарай зоопланктонның сандық көрсеткіштері жоғарылағанын байқаймыз. Доминант ретінде сандық көрсеткіштері бойынша ескекаяқтылар (93,8% сан және 85,8% биомасса), екінші орында бұтақмұртты шаяндар тіркелді (5,8% сан және 14,2% биомасса).

Ескекаяқтылар биомассасының солтүстік-батыс жағалауында *P. blanci* (60,9%), бұтақмұрттылардың *D. brachyurum* шаяны (96,6%) құрады. Оңтүстік-шығыс жағалауындағы бұтақмұртты шаянтөзділердің жалпы салмағының төмен болуы, кіші көлемді *B. longirostris* таралуына байланысты болды. Бұл жағдай су қойманың оңтүстік-батыс және солтүстік-шығысында да анықталды. Алайда, бұл екі аудандардағы *C. vicinus* және *P. blanci* ескекаяқты шаянтөзділердің қарқынды дамуына байланысты балықтар қорегінің біркелкі деңгейіне жоғарылауына себеп болды. Сан бойынша зымырақтардан 50% жоғары бөлігін оңтүстік-батыс жағалауында *K. cochlearis*, солтүстік-шығысында *Br. angularis* түрлері құрады.

Зерттеу нәтижесінде су қойманың солтүстік-батыс, оңтүстік-батыс және солтүстік шығыс аудандарында зоопланктон биомассасының көктемнен күзге төменгі деңгейінен біркелкі класына жоғарылағаны анықталды [8]. Оңтүстік-шығыс ауданында маусымаралық трофтылық деңгейі төменгі класында сақталуда.

Шардара су қоймасындағы зоопланктонның 2015-2019 жылдар аралығындағы сандық көрсеткіштерінде ауытқулар байқалады [9, 10]. Ең төменгі көрсеткіштері 2017-2018 жж. тіркелді [8, 9]. Зоопланктон көрсеткіштерінің төмен болуы, сынамаларды жинау мерзіміндегі су температурасының төмен болуы, омыртқасыздардың, әсіресе бұтақмұрттылар қатарынан кіші көлемді түрлерінің кезедесуі, су деңгейі және мөлдірлігі себеп болуы мүмкін.



Сурет 1 - Шардара суқоймасындағы зоопланктонның сан (мың дана/м³) және биомасса (мг/м³) динамикасы, 2015-2019 жж.

Қорытындылай келе, 2018-2019 жж. зерттеу жұмыстарының нәтижесінде Шардара су қоймасы зоопланктонының құрамынан 34 түрі анықталды. Екі жылдық зерттеу мезгілінде де сан бойынша ескекаяқтылар басым болса, биомасса негізін көктемде бұтақмұрттылар, күз айларында ескекаяқты шаянтәрізділер құрады. 2019 ж. су қойма су деңгейінің, мөлдірлігінің жоғары болуы және ескекаяқтылардың даму қатарының барлық түрлерінің таралуы, зоопланктон сандық көрсеткіштерінің, 2018 ж. салыстырмалы түрде, жоғарылануына себеп болды.

### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

1. Крупа Е. Г. Структурные показатели зоопланктона Шардаринского водохранилища и их использование в оценке качества воды // Водные ресурсы. 2007. Т. 34. № 6, с. 750-756
2. Методическое пособие при гидробиологических рыбохозяйственных исследованиях водоемов Казахстана (планктон, зообентос). - Алматы. 2018г., с. 42
3. Методические рекомендации по сбору и обработке материалов при гидробиологических исследованиях на пресноводных водоемах: Зоопланктон и его продукция. – Л., 1984 г., 33 с.

4. Кутикова Л. А. Коловратки фауны СССР. - Л., 1970 г., 744 с.
5. Атлас беспозвоночных Аральского моря /Под ред.Ф.Д. Мордухай – Болтовского и др. – М.: Пищевая промышленность, 1974 г., 272 с.
6. Определитель пресноводных беспозвоночных России и сопредельных территорий: Низшие беспозвоночные. – С-Пб.: Зоологический институт Российской Академии наук, 1994. – Т. 1., 400 с.
7. Определитель пресноводных беспозвоночных России и сопредельных территорий: Ракообразные. – С-Пб.: Зоологический институт Российской Академии наук, 1995.–Т.2., 632 с.
8. Китаев С. П. Основы лимнологии для гидробиологов и ихтиологов //Петрозаводск: Карельский научный центр РАН, 2007 г., 395 с.
9. Арал - Сырдария бассейніндегі халықаралық, республикалық және жергілікті маңызы бар балық шаруашылығы су айдындарының және ондағы балық ауланатын участкалардың балық өнімділігін анықтау, рұқсат етілген балық және басқа су жануарларын мүмкін қолайлы аулау мөлшеріне биологиялық негіздемелер жасау және балық аулау ережесі мен тәртібін реттеу жөнінде ұсыныстар беру. Бөлім: Арал теңізі, Шардара су қоймасы және Сырдария өзені. «ҚазБШҒЗИ» ЖШС Арал филиалы, Арал, 2017 ж., 295 б.
10. Арал - Сырдария бассейніндегі халықаралық, республикалық және жергілікті маңызы бар балық шаруашылығы су айдындарының және ондағы балық ауланатын участкалардың балық өнімділігін анықтау, рұқсат етілген балық және басқа су жануарларын мүмкін қолайлы аулау мөлшеріне биологиялық негіздемелер жасау және балық аулау ережесі мен тәртібін реттеу жөнінде ұсыныстар беру. Бөлім: Шардара су қоймасы және Түркістан облысы шегіндегі Сырдария өзені. 2 том, «ҚазБШҒЗИ» ЖШС Арал филиалы, Арал, 2018 ж., 161 б.

УДК 632.7

**Хакимов Ўқтам Тошботирович  
(Ташкент, Узбекистан)****ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҲОЛИ ЗИЧ ҲУДУДЛАРИДА  
ЎСИМЛИКЛАРНИ ЗАРАКУНАНДАЛАРДАН ТАБИЙ УСУЛЛАРДА  
ҲИМОЯЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

**Аннотация:** Мамлакатимиздаги деҳқончилик ва боғдорчилик илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тарихга назар ташласак, азал-азалдан ота-боболаримиз зироатчилик билан шуғулланиб, ўз оилаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб келишган ва шз навабатида экинлар зараркунандаларга қарши курашиб келишган. Зараркунандаларга қарши курашишда ўзлари учун мутлақо зарарсиз усулларни ўйлаб топишган ва фойдаланишган. Хусусан, бугунги кунда ҳам ҳар икки соҳанинг ривожини ва уларни ҳимояси бўйича кўплаб тадбирларни амалга ошириб келишмоқда. Мақолада ҳақимизнинг ўсимликларни зараркунанда ва касалликларга қарши курашишининг атроф-муҳитга зарарсиз усуллари ва улардан бугунги кунда ҳам фойдаланиш истиқболлари бўйича фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** Агротехник тадбирлар, ўсимликлар, ҳосилдорлик, экин майдонлари, Зараркунандалар, зарарли касалликлар, маҳсулот сифати, боғдорчилик, пестицидлар, кимёвий препаратлар, табиий маҳсулотлардан, экологик жиҳатдан тоза маҳсулотлар.

**Аннотация:** Корни земледелия и садоводства в нашей стране уходят в далекое прошлое. Если обратиться к истории, то с незапамятных времен наши предки занимались сельским хозяйством, обеспечивали свои семьи сельскохозяйственной продукцией, а в свою очередь боролись с вредителями сельскохозяйственных культур. Они придумывали и пользовались абсолютно безвредными методами для себя борьбы с вредителями. В частности, сегодня конкуренция обоих секторов и их защита осуществляются многими видами деятельности. В статье дается обзор методов борьбы с вредителями и болезнями растений, безвредных для окружающей среды, и перспектив их применения на сегодняшний день.

**Ключевые слова:** агротехнические мероприятия, растения, плодородие, земли под сельскохозяйственных культур, вредители, болезни растений, качество продукции, садоводство, пестициды, натуральные продукты, экологически чистые продукты.

Мамлакатимиз азалдан ўзининг дунёга машҳур деҳқончилик, полиз ҳамда боғдорчилик маҳсулотлари билан жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиб, уларнинг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Тарихга назар ташласак, азал-азалдан ота-боболаримиз зироатчилик билан шуғулланиб ички ва ташқи бозорни, ҳамда ўз оилаларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб келишган. Хусусан, бугунги кунда бу соҳаларнинг ривожини учун

кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4670-сон қарорларида қишлоқ хўжалиги экинлари, ўсимликлар дунёси ва улардан фойдаланиш бўйича амалий ишлар белгилаб берилган.

Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида яхши ҳосилдорликка эришиш учун аввало, ерга яхши ишлов бериш, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш талаб этилади. Экиладиган ҳар бир ўсимлик маълум бир агротехник босқичлардан ўтибгина яхши ҳосил бериши мумкин.

Яна бир муҳим тадбир – бу, ўсимликларни касалликлар ва зараркундалардан ҳимоя қилмай туриб, улардан сифатли ва юқори ҳосил олиб бўлмади. Бу масала мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Соҳа мутахассислари фикрича, бугунги кунда мамлакатимиз экин майдонларида зарарли касаллик турларининг салмоғи ортиб бормоқда. Зараркундалар ҳамда бегона ўтлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва етиштирилган маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи унсурлардир. Бугунги кунда кўпчилик ўсимликларни касалликлар ва зараркундалардан ҳимоя қилишда осон ва тезкор усул сифатида кимёвий усулни танлашмоқдаки, бу усул ҳам экологик, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан талабларга мутлақо жавоб бермайди. Кимёвий усулдан фақат охирги чора сифатида фойдаланиш мумкин [1].

Қадимдан аждодларимиз ўсимлик зараркундаларига қарши йиллар давомида кузатув ва орттирган тажрибаларига таянган, ўзларининг имкониятларидан келиб чиқиб, маҳаллий хом-ашёлардан кенг фойдаланган ҳолда, курашиб келишган. Масалан, дарахтларнинг пастки қисми азалдан оҳак эритмаси билан оқланиб келинади. Сабаби, дарахт пўстлоғи остидаги зараркундаларнинг тухумлари оҳак таркибидаги ишқор таъсирида нобуд бўлади. Эрта баҳорда қилинган бу усул яхши самара беради, дарахт мевасининг сифатига ва ҳосилдорлигининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади ва атрофга ўзгача чирой беради.

Юртимизнинг кўпгина худудларида, айниқса қишлоқ жойларда боғдорчилик билан шуғулланадиган кекса тажрибали деҳқонлар ҳозиргача қадим замонларда ота-боболаримиз қўллаб келган усулдан фойдаланиб, ўз томорқаларидаги экинлар, дарахтлар баргига ширача тушганда эрталабки шабнамда оддий кул сепишади. Кул таркибидаги ўювчи моддалар таъсирида шира битлари ўз фаоллигини йўқотади, яъни ўлади.

Қишлоқ хўжалигида бегона ўтлар ва зараркундаларга қарши курашишда таркибида кимёвий заҳарли моддалар мавжуд бўлган турли пестицидлардан фойдаланиш авж олган. Пестицидлар юқорида айтилганидек, **биринчидан**, инсон организми ва атроф муҳит учун зарар ҳисобланади. Улар билан ишлаганда, албатта, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш шарт,

чунки улар таркибидаги кимёвий моддалар нафас йўлини заҳарлаб, нафас йўли орқали бутун организмга таъсир кўрсатиши мумкин.

**Иккинчидан**, бу кимёвий препаратлар зараркундаларнинг табиий душманларини, яъни фойдали ҳашаротларни ҳам қириб ташлайди. Шу сабабли, бу препаратларни фақатгина ўта зарарланган жойга, сўнги чора сифатида ишлатиш мумкин, акс ҳолда, бу ўсимликка салбий таъсир кўрсатади. Умумий ҳолда уни қўллаш тавсия этилмайди.

**Учинчидан**, ушбу кимёвий препаратларнинг нархи қиммат бўлиб, бу иқтисодий жиҳатдан қийинчилик туғдиради. Кейинчалик бу нарса ўз-ўзидан маҳсулот таннархининг ошишига ҳам олиб келиши мумкин.

Агар зараркундаларга қарши чоралар вақтида қўлланилмаса, масалан, оддий мевали дарахтлардаги ширалари, бит ва каналарнинг кўплаб турлари баҳор фаслининг охирига ойларига келиб бошқа ўсимликлар ва сабзавотларга ўтиши мумкин. Бизга баъзи ҳашаротлар (хонқизи, олтинкўз, яйдоқчи ва б.) ҳам зараркундалар билан озикланиб, анча фойда келтиради [2].

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Навоий бўлими олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши курашиш учун табиий маҳсулотлардан тайёрланган экологик жиҳатдан тоза комплекс бирикмадан кенг миқёсида фойдаланиш тавсия қилинмоқда. Комплекс бирикма таркиби бир қатор фойдали хусусиятларга эга маҳсулотлардан ташкил топган. Комплекс бирикма таркибга кирувчи ҳар бир маҳсулотнинг дориворлик хусусияти мавжуд бўлиб, бу хусусият бошқа маҳсулотлар билан аралашганда янада ошиши кузатилди. Бу маҳсулотларни аралаштиришда нисбатларига ва зараркундаларнинг ҳолатига алоҳида эътибор бериш керак. Узоқ йиллар олиб борилган тажрибалар ва кузатувлар асосида, энг самарали таркибли комплекс бирикма танлаб олинади.

Фанлар академияси Навоий бўлими олимлари ўзларининг тажриба ва кузатувлари натижаларига таяниб, ўсимликлар зараркундаларига қарши курашишга тавсия қиладиган комплекс бирикма таркибига кирувчи компонентларнинг шифобахшлик хусусиятлари тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтиради:



**Мойчечак** гулининг гул саватчалари таркибида эфир мойлари (0,2-0,8%), улар орасида сехверпенлар, хамазулен, кадинен, каприл, нонил,

изоварел кислоталар мавжуд. Шунингдек, флаворин гликозид, кумарин, каротин, Р гуруҳи витаминлари, А провитамины, кўпгина органик кислоталар, никотин, аскорбин ва салицил кислота, оқсил ошловчи, аччиқ ва шиллиқ моддалар ҳамда бошқа биологик фаол элементлар сақланиши билан ҳам шифобахш ўсимликлар қаторидан жой олган. Яна бир фойдали маълумот: мойчечак гули ва баргларидан тайёрланган дамлама шира, трипс, мевахўр куртлар ва ўргимчакканага қарши самарали восита сифатида қўлланилади. Бунда мойчечак таркибидаги кимёвий элементлар эритувчи ва суолтирувчи таъсирга эга бўлиб, унда регенерация жараёни тизлаштириш хусусияти бор.



**Ёнғоқ барглари** ўзда жуда кўпгаб макро ва микро, жумладан азот, олтингугурт, фосфор, магний, темир ва бошқа элементларни сақлайди. У яшил ёнғоқ барглари органик кислоталарга, эфир мойларига, гликозидларга, алкалоидларга, витамин ва минералларга бой. Аминокислоталар таркибининг бойлиги, аскорбин кислотаси, Е, РР ва В гуруҳи витаминларининг мавжудлиги яшил хом ашёни мукамал тикловчи восита сифатида фойдаланиш имкониятини беради. Ўғит сифатида ҳам ёнғоқ барглари бошқа баргларга нисбатан жуда яхши самара беради. Юқорида ёнғоқ барги таркибидаги айтиб ўтилган фойдали элементларнинг катта миқдорда бўлиши билан бир қаторда, унинг таркиби қўшимча равишда органик моддаларга ҳам бойдир. Таркибида захарли моддалар йўқлиги сабабли ёнғоқ баргларидан олинган кул нафақат мевали дарахтларни, балки юмшоқ ва инжиқ сабзавотларни парвариш қилишда ҳам зараркундаларга қарши курашда фойдаланишса самара берадиган табиий ўғитдир.





**Саримсоқпиёздаги** ўзгача бирикма бу аллицин бўлиб, у антибактериал, антивирусли, замбуруғларга қарши ва антиоксидантлик хусусиятларига эга.

Саримсоқпиёзнинг дориворлик хусусиятлари айнан ундаги бактерия ва вирусларга қарши курашувчанлик хоссаларининг табиий мавжудлигидир. Саримсоқпиёз таркибида кўплаб фойдали моддалар мавжуд: калий, кальций, фосфор, С ва В гуруҳ витаминлари, селен, марганец, йод ва эфир мойлари. Ушбу шифобахш неъмат комплекс бирикманинг асосини ташкил этиши сабаби, таркибида ўсимликларни паразит ва бактериялардан ҳимоя қилувчи учувчи моддалар-фитонцидлар мавжудлигидир.



**Қалампир** меваси таркибида қанд, қуруқ модда, каротин, алкалоидлар, никотиник кислота, микроэлементлардан мис, селен, марганец, молибден, йод, темир мавжуд бўлиб, таркибидаги рух моддаси ва С витаминининг миқдори бошқалардан анча юқори. Булғор қалампирни кўп миқдорда витаминлар тўплайдиган энг қимматли сабзавот. Бу ўринда биз рибофлавин (В2 витамини), ретинол (А витамини), аскорбин кислотаси (С витамини), токоферол (Е витамини), тиамин (В1 витамини)ни таъкидлаб ўтишимиз керак. Юқоридаги бирикмаларга қўшимча эстерлар, пектин толалар, поли ва моносахаридларга, азотли бирикмаларга ҳам бой маҳсулот ҳисобланади.

**Кул** бир қатор моддаларни ўз ичига олади, булар кальций карбонат–метаболик жараёнларни яхшилайти, янада барқ урибгуллашига ёрдам беради; кальций силикат–ўсимликка витаминларни сингдиришга ёрдам беради; кальций сульфат–ўсимликларнинг касалликларга ва ноқулай иқлим шароитларга чидамлилигини оширади, илдизларнинг ривожланиши ва ўсишига ёрдам беради; кальций хлорид–фотосинтез жараёнида иштирок этади, ферментларнинг шаклланишига ёрдам беради, ўсимликларнинг иммунитетини, совуққа чидамлилигини оширади; калий ортофосфат–ўсимликларга сув мувозанатини тартибга солишга, қишнинг совуқлигига бардош беришга ёрдам беради; магний силикат, магний карбонат, магний сульфат, натрий хлорид ва натрий ортофосфатлар–улар углеводларни шакллантиришда иштирок этадилар, улардан кейинчалик целлюлоза ва крахмал ҳосил бўлади, ўсимликларнинг сув мувозанатини нормаллаштиришга, шунингдек ферментларни фаоллигини оширишга ҳисса қўшади [3-5].

Томорқа хўжалигидаги мева-сабзавот ва полиз экинлари 2020 йил баҳорининг ёнгичликлар кўп бўлиши оқибатида шира, турли ўсимлик битлари ва бошқа зараркундалар билан сезиларли даражада зарарланди. Бу ҳолатда бирданига кимёвий препаратлардан фойдаланиш бир томондан фойда бўлса, иккинчи томондан ҳам иқтисодий, ҳам экологик жиҳатдан зарардир.

Шунинг учун ФА Навоий бўлими олимлари ота-боболаримиз қўллаб келган ноанъанавий усулларга мурожаат қилиб, табиий доривор ўсимликлардан тайёрланган комплекс бирикма тажрибада синаб кўрдилар ва самарали натижаларга эришдилар.

***Олма қурти ва трипс учун зарур бўлган комплекс бирикма таркиби***

*1-жадвал*

Номи	Сув	Мойчечак	Ёнғоқ барги	Саримсоқ пиёз	Қалампир	Кул
Комплекс бирикма миқдори	20 л	1000 гр	1000 гр	200 гр	200 гр	200 гр

***Шира бити ва ўргимчаккана учун зарур бўлган комплекс бирикма таркиби***

*2-жадвал*

Номи	Сув	Мойчечак	Ёнғоқ барги	Саримсоқ пиёз	Қалампир	Кул
Комплекс бирикма миқдори	20 л	1500 гр	1500 гр	300 гр	300 гр	300 гр

1-жадвалда келтирилган нисбатлар, яъни, 20 л сувга 1 кг мойчечак, 1 кг ёнғоқ барги, 200 гр саримсоқ пиёз, 200 гр қалампир доналари ва 200 гр кул солинади, сўнгра қайнатилади. Қайнаб чиққач 2 соат давомида тиндирилиб, докадан ўтказилади. Тайёр бўлган қайнатма кеч соат 19<sup>00</sup> дан кейин ёки тонг саҳар зарарланган ўсимликларга ҳар 3 кунда 2-3 мартадан сепилганда тўлиқ натижага эришилади.

Ушбу комплекс бирикма Ўзбекистон Фанлар академияси Навоий бўлими олимлари ҳамда “Электрокимё завод” ҚҚ АЖ мутахассислари ҳамкорлигида яратилган ва завод томонидан ишлаб чиқарилаётган “ЭлСМик” препарати билан бирга қўлланилганда янада яхши натижа бериши кузатилди, бунда 20 л комплекс бирикмага 100 гр препарат қўшилади. Бу соҳадаги тажрибалар ҳар хил экинларда турли концентрацияларда давом эттирилмоқда (2-жадвал).

Халқимиз азалдан қўллаб келган ушбу усулларни илмий асосда қўлланилганда жуда ажойиб натижаларга эришилгани юқоридаги усулнинг қанчалик долзарб эканлиги, кимёвий усуллардан энг сўнги ҳолатлардагина фойдаланиш кераклигидан далолат бериб турибди.

### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Хакимов Ў. Т. ва бошқалар. Шахсий томорқа хўжалиқларида янги илғор технологиялар асосида сабзавот ва полиз экинлари ҳамда доривор гиёҳлар етиштириш. Услубий қўлланма. Навоий 2020 й.
2. Доривор ўсимликларни Ўзбекистон шароитида маданий ҳолда етиштириш. Услубий қўлланма. Навоий 2020 й.
3. [www.agro.uz](http://www.agro.uz)
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

## SECTION: CHEMISTRY

Бобоев А. Х., Акбарова Н. А., Хасанов Х.Т., Адхамов А. Р.  
Тошкент кимё-технология институти  
(Тошкент, Узбекистан)

### ҚОБИҒИ АЖРАТИЛГАН БУҒДОЙ УНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ҚАНДЛАШТИРИЛГАН СУСЛОНИ БИЖҒИТИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Аннотация.** *Озиқ-овқат этил спирти ишлаб чиқаришда буғдой қобиғини ажратиш олиш, ун таркибида минерал моддаларнинг камайишига олиб келади ва бу ўз наvbатида қандлаштирилган суслони бижғиш жараёнининг боришига салбий таъсир этади. Бунинг олдини олиш учун топинамбур суслоси билан биргаликда бижғитиш таклиф этилган.*

**Таянч сўзлар:** *этанол, технология, биосинтез, бижғиш, топинамбур, бражка, сусло.*

#### КИРИШ

Озиқ-овқат этил спирти ишлаб чиқариш учун асосан таркибида крахмал ва сахароза тутган хомашёлар ишлатилади. [1-3].

Этанол ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда хомашё таркибидаги ҳамма юқори молекулали биополимерлардан унумли фойдаланиш долзарб йўналиш ҳисобланади (4). Маълумки, донни ундиришда, дон таркибидаги захира моддаларни эрийдиган ҳолга ўтказиш учун етарли даражада ферментлар синтез бўлади. Бу фермент системаси амилаза, протеаза, липаза, фосфатаза ва бошқалардан иборат. Шу сабабли солод ферменти ишлатилганда пишириш ва қандлаштириш жараёнлари тўлиқ кетади ва ачитқилар учун етарли озуқа муҳити ҳосил бўлади [5-10].

Дон таркибидаги крахмални қандлаштиришда ферментларнинг аҳамияти ҳам катта. Ҳозирги кунда асосан хориждан келтириладиган ферментлар қўлланилиб келинмоқда [11, 12]. Ферментларни қўллашда уларнинг фаоллигини ва хусусиятларни инобатга олиш керак [12, 14].

Озуқа муҳитидаги турли нисбатдаги минерал моддалар углевод/азот (C/N)<sub>x</sub> ва углевод/фосфор (C/P)<sub>x</sub> бўлишига қараб, ачитқи биомассасини чиқиши ва ачитқидаги оқсиллар, аминокислоталар, углеводлар ва трегалоза миқдорларини олдиндан айтиш мумкин [15]. Муҳитда фосфорнинг етишмаслиги, ачитқиларда углеводлар ва азот ассимиляция билан боғлиқ модда алмашинувининг кескин бузилишига олиб келади. Физиологик эҳтиёжлар учун 10 миллиард ҳужайрага 10-13 мг фосфор керак бўлади. Спирт ишлаб чиқариш самардорлигини оширишнинг яна бир усулларидан бири - бу биостимуляторлардан фойдаланиш ҳисобланади. Бунда ачитқиларининг бижғитиш активлиги ва кўпайиш тезлиги ошиш орқали спиртли бижғиш жараёни жадаллашади [16].

Этанол ишлаб чиқаришда электрофизик ишлов беришнинг

қўлланилиши дон компонентларини тўлиқ ва чуқур ўзгартириш орқали, пишириш вақтини қисқартириш ва режимини юмшатиш, қандлаштирувчи материаллар сарфини камайтириш, ферментларни субстратни гидролизлашини осонлаштириш орқали спирт ишлаб чиқариш жараёнини тезлаштиради. Шу билан бир вақтда электрэнергия сарфи камаяди ва ҳар 1 тонна крахмал тутувчи хомашёдан олинадиган спирт миқдори ошади. Бунинг асосида биотехнологик жараёнларда ультратовушларни (УТ) кенг қўллаш ётади. Электрофизик ишлов беришнинг иккинчи истиқболли усулларида бири гидролизланадиган субстратга инфрақизил (ИК) нур бериш ҳисобланади [17].

Кальций ва калий баъзи ферментларни активлаштириш учун зарур. Шу билан бирга, кальций кўп ферментларга ингибиторлик қилиши ҳам мумкин. Микроэлементлар ачитқиларнинг кўпайиши ва бижғиш жараёнига таъсир кўрсатади. 1 мг/дм<sup>3</sup> миқдорда Mn ачитқиларнинг нафас энергиясини оширади, кўп миқдорда (45-90 мг/дм<sup>3</sup>) берилса бижғишни тезлаштиради, шунингдек, ачитқи эстеразлари биосинтезини тезлаштиради. Молибден ачитқиларнинг кўпайишини, бор эса ачитқиларнинг бижғитиш қобилиятини фаоллаштиради [18].

#### **МЕТОДЛАР**

**Реагентлар:** Хомашё сифатида “Бектемир-спирт экспериментал заводи” корхонасида қўлланилаётган буғдой дони (ГОСТ 13586.2, ГОСТ 13586.5), протеолитик фермент сифатида Нейтраза (Новозаймс, Дания), Пролайв РАС 30L, (ЭнзимБИОПродукт, Россия) ва қовушқоқликни камайтирувчи фермент сифатида “Амилекс 4Т” (Новозаймс, Дания), қандлаштирувчи фермент сифатида “DIAZYME-SG2” (Новозаймс, Дания) ва ишлатилди. Антибактериал модда сифатида “Набак” ва “Лактрол” (Новозаймс, Дания) қўлланилди.

**Минерал моддалар.** Дон таркибидаги минерал миқдорини донни 600-900° хароратгача куйдириб, аниқланади [19].

**Ачитқи биомассасини аниқлаш.** Ачитқи биомассаси филтрлаш усули билан аниқланади. Олдиндан қуритилган (90-100 °С да 1-2 соат давомида) ва тарозида массаси ўлчанган қоғоз филтр воронкага жойлаштирилади ва 100 мл намуна филтрлаб ўтказилади. Филтр қоғоздаги қолдиқ бир неча марта кислота қўшилган дистилланган сув билан ювилади. Сўнгра филтр чўкма билан бирга қуртиш шкафига қўйилади, 90-100° С да 1-2 соат давомида қуритилади ва 0,0001 г аниқликда аналитик тарозида массаси ўлчанади [20].

**Етилган бражка таркибидаги бижғимаган қанд миқдорини аниқлаш.** Бражкадаги бижғимаган қанд миқдори 100 мл да 0,154-0,4 г гача бўлади. Бражка таркибидаги бижғимаган углеводларни аниқлаш Антрон реактиви орқали амалга оширилади.

**Бижғийдиган углеводлар концентрациясини аниқлаш.** Бижғийдиган углеводларни аниқлаш Антрон реактиви орқали амалга оширилади.

**Етилган бражка таркибидаги спирт миқдорини аниқлаш.** Бражка таркибидаги спирт миқдори баржкани қайта ҳайдаб олинган отгон зичлигини аниқлаш орқали топилади. Отгон зичлиги пикнометр, ареометр ёки спиртомер ёрдамида аниқланади [21].

**Бижғиётган муҳитда ачитқилар сонини аниқлаш.** Бижғиётган муҳитда ачитқиларнинг умумий сонини аниқлаш микробиологияда умум қабул қилинган

Горяева саноқ камерасида микроскоп остида ачитқилар сонини санаш орқали амалга оширилади [20].

### НАТИЖАЛАР

Адабиётлардан маълумки, буғдой янчилмасини фракциялаб, қайта ишлашда унинг таркибидаги минерал бирикмалар микробиологик ва биокимёвий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

1-жадвалда фракцияларга ажратилган буғдой янчилмаси ва топинамбурнинг кимёвий таркиби келтирилган.

1-жадвал

### Буғдой уни, кепаги ва топинамбурнинг кимёвий таркиби (қуруқ моддага нисбатан %)

Таркиби	Буғдой уни	Буғдой кепаги	Топинамбур
Оқсил	10,3	14,8	9,3
Ёғлар	0,9	3,2	0,4
Қрахмал	67,7	17,8	0,7
Қул	1,68	5,95	6,3

Топинамбур, буғдой янчилмаси ва эндоспермасидан тайёрланган бражканинг физик-кимёвий кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

### Турли хил хомашёлардан олинган етилган бражканинг кимёвий таркиби

Кўрсаткичлар	Хомашё тури		
	Буғдой янчилмаси (анъанавий технология)	Қрахмалга бой ун фракцияси	Топинамбур
Этанол, х%	8,5	8,3	10,3
Титрланадиган кислота	0,4	0,45	0,2
Ачитқи хужайраларининг сони, млн/мл	120-126	90-96	80-100
Бижғиш жараёнининг давомийлиги, соат	72	72	72
Сивуха мойларининг миқдори, мг/дм <sup>3</sup>	450	420	250
Ацетальдегид, мг/дм <sup>3</sup>	470	450	220
Қул миқдори, %	1,5	0,4	1,5

Қобиғи ажратилган буғдой унидан тайёрланган суслони бижғитиш яхшилаш биз бижғишни минерал моддаларга бой бўлган топинамбур шарбати билан биргаликда олиб бориш бўйича тадқиқот ишларини олиб бордик.

**Бугдой уни ва топинамбур+бугдой унидан тайёрланган етилган  
бражканинг кимёвий таркиби**

Кўрсаткичлар	Хомашё тури	
	Бугдой уни	Топинамбур+бугдой уни (1:3 нисбатда ҚМ ҳисобида)
Этанол, ҳ%	8,3	8,5
Титрланадиган кислота	0,4	0,38
Ачитқи хужайраларини сони, млн/мл	90-96	130-132
Бижғиш жараёнининг давомийлиги, соат	72	70
Сивуха мойларининг миқдори, мг/дм <sup>3</sup>	420	194-230
Ацетальдегид, мг/дм <sup>3</sup>	450	182-250
Кул миқдори, г/дм <sup>3</sup>	0,4	1,3

**МУҲОКАМА**

Крахмал миқдори юқори бўлган ун фракциясининг таркибида минерал моддаларни камлиги биокимёвий ва микробиологик жараёнларга салбий таъсир этади.

Маълумки, дондаги кул миқдори умумий массанинг 1,5-3,0 % ни ташкил қилади. Кулнинг асосий қисми калий фосфатдан иборат. Бугдой донида фосфор, калий, магний, кальций, натрий, темир, кремний, олтингургут ва хлор каби элементлар сезиларли даражада мавжуд. Марганец, рух, никел, кобальт ва бошқа кўплаб элементлар дон таркибида кам миқдорда бўлади [22].

Спирт ишлаб чиқаришда бугдой таркибидаги анорганик ва кичик молекулали органик бирикмалар қўлланилаётган ферментларнинг фаоллигига ва барқарорлигига таъсир этади.

Ферментларнинг барқарорлигини анорганик ва органик моддалар иштирокида ошишини қўшимча метал-оқсилли бирикма, водородли ва гидрофобли таъсирланиш натижасида полипептидларнинг ҳаракатини чеклаш билан тушунтириш мумкин. Адабиётларда икки валентли металлор ( $Ca^{2+}$ ,  $Mg^{2+}$ ,  $Zn^{2+}$ ,  $Fe^{2+}$ ,  $Co^{2+}$  ва бошқ.) ва анионлар ( $HPO_4^{-2}$ ,  $SO_4^{-2}$ ,  $CH_3COO^-$  и др.) юқори ҳароратда ферментларнинг барқарорлигини ошириши кўрсатилган [23-25]. Бунда ферментларнинг физик-кимёвий хусусиятларини сақлаб қолишда, уларнинг концентрацияси ва қўшилаётган ионлар муҳим аҳамиятга эга. Масалан, рух, кобальт ва никел ионлари ишқорий протеиназаларни узоқ муддат сақлаш жараёнида барқарорлигини сақлаши кўрсатилган [25].

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, хомашёларнинг кимёвий таркиби бир-биридан сезиларли даражада фарқланади.

Маълумки, минерал моддаларнинг асосий қисми хомашёнинг мева қобиғи қисмида жойлашган бўлади. Шунинг учун, бугдой эндоспермаси ва ташқи мева қобиғи кимёвий таркиби билан бир-биридан фарқланади. Бугдой уни таркибидаги кулдорлик ўртача 1,68% ни ташкил этса, бугдой кепагида эса 5,95% ни ташкил этади. Топинамбур туганагида эса кулдорлик қуруқ моддасига нисбатан ўртача 6,3% га тенг.

Оқсилни миқдори ҳам буғдой кепаги таркибида кўпроқ бўлади, чунки оқсиллар асосан муртак ва алейрон қатламида тўпланади.

Бу кўрсаткичлар ушбу хомашёлардан спирт ишлаб чиқаришда технологик жараёнларга ҳар хил таъсир этади.

Буғдойдан спирт ишлаб чиқаришда буғдой янчилмасини фракциялаб, фақат буғдой уни спирт ишлаб чиқаришга берилганда минерал моддаларнинг камлиги бижғиш жараёни тўлиқ кетмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун бижғиш жараёнини олиб боришда кепак қисми ажратилган крахмалга бой буғдой унидан фойдаландик. Таққослаш учун анъанавий технология бўйича буғдой янчилмаси ва топинамбур хомашёсини бижғитиб тайёрланган етилган бражка олинди.

Буғдой унидан тайёрланган қандлаштирилган шарбатнинг таркибидаги минерал моддаларни камлиги бижғиш жараёнига, яъни этанол биосинтезига салбий таъсир этиши 2-жадвалда ўз аксини топган. Бундан ташқари, бижғиш жараёнида юз берадиган ферментатив реакциялар тезлигининг камайиши ҳам бижғиш жараёнини чўзилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, бижғиш жараёнида буғдой таркибидаги минерал моддалар ва оқсиллар муҳим роль ўйнайди. Минерал моддаларнинг камлиги ферментларнинг фаоллигига салбий таъсир этиши натижасида, қандлаштириш ва пишириш жараёнлари сустрекетади.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, буғдой унини топинамбур шарбати билан биргаликда спиргга қайта ишлаш, бижғиш жараёнига ижобий таъсир этиб, олинаётган спиртнинг сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилайтиди ва олинаётган спиртнинг миқдори 0,2% га ошади (3-жадвал).

### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Яровенко В. Л. Технология спирта. М. Колос 2002. 465 с.
2. Зуева Н. В., Востриков С.В. Влияние ферментных препаратов различного действия на динамику накопления сбраживаемых углеводов // Производства спирта и ликеровочных изделий. – Москва, 2008. – № 4. – С. 7-9.
3. Поляков В. А., Римарева Л. В. Научное обеспечение инновационного развития спиртовой отрасли на пути интегрирования в мировую экономику // Производство спирта и ликероводочных изделий. - 2013. - № 1 - С. 4-8
4. Сотников В. А., Марченко В. В., Гамаюрова В. С. Использование полифосфатов технологии низкотемпературного разваривания крахмалистого сырья при производстве спирта // Вестник Казанского технологического университета. 2003, №2, С. 180-187.
5. Востриков С. В., Яковлев А. Н., Бушин М. А. Влияние сбалансированного состава зернового суслу на процесс биосинтеза дрожжевой биомассы //Производства спирта и ликероводочных изделий, 2006, №2, С. 32-33.
6. Журба О. С., Поляков В. А., Леденев В. П. Технология этанола из целого зерна пшеницы на основе интенсивных способов обработки сырья//Производство спирта и ликероводочных изделий.2004, №1. С. 14-17.
7. Римарева Л. В., Оверченко М. Б., Соколова Е. Н., Серба Е. М., Игнатова Н.И., Медриш М. Э. и др. Ферменты протеолитического действия и их



- биокаталитические особенности при конверсии зернового сырья // Вестн. Рос. сельскохозяйственной науки. 2016. № 6. С. 62–64.
8. Тананейко Т. М., Пушкарь А. А. Интенсификация спиртового брожения путем направленного протеолиза зернового сырья // Ликероводочное производство и виноделие. – 2010. - № 10. – С. 20-23.
  9. Яковлев А. Н., Яковлева С. Ф. Усовершенствование технологии этилового спирта из ржи на основе применения мультиэнзимного комплекса // Производство спирта и ликероводочных изделий. - 2012. - № 1. - С. 22-25.
  10. Alan J. Buglass. Handbook of alcoholic beverages. Technical, analytical and nutritional aspects. – Publisher: Wiley, -2010. – 1204 p.
  11. Технологическая инструкция по использованию в спиртовом производстве ферментных препаратов фирмы «ЭНДЭ ИНДУСТРИАЛ КОРПОРЕЙШН», ТИ 10-16125-01. – Москва, 2001. – 17 с.
  12. Римарева Л. В., Оверченко М. Б., Игнатева Н. И., Кадиева А. Т. Мультиэнзимные системы в производстве спирта // Производство спирта и ликероводочных изделий, 2004, №3, С. 22-24.
  13. Колдин Э. Н., Калинина О. А., Гусева Т. И. Оптимизации процесса тепловой обработки зернового сырья // Производство спирта и ликероводочных изделий, 2003, №4.
  14. Инструкция по теххимическому и микробиологическому контролю спиртового производства / Под ред. А. П. Рухлядовой — М.: Агропромиздат, 1986 - 400 с.
  15. Меледина Т. В. Роль азотного и фосфорного питания при выращивании хлебопекарных дрожжей / Т. В. Меледина, И. В. Гудь, М. М. Кхалил // Изв. СПб ГУНиПТ. 2005. - №1. - С. 58-60.
  16. Пономарева О. И., Черныш В. Г., Борисова Е. В. Прохорчик И. П., Влияние условий культивирования на выход и качество хлебопекарных дрожжей. Научный Журнал НИУ ИТМО. Серия «Процессы и аппараты пищевых производств» – Санкт-Петербург.: Изд-во Санкт-Петербургский НИУ ИТМО., 2011.-1-10 с.
  17. Бирагова Н. Ф. Перспективные способы обработки зерна при производства спирта // Производство спирта и ликероводочных изделий. – Москва, 2003. – № 1. – С. 17.
  18. Дубовицкий, Ю. Е. Повышение эффективности переработки пшеницы при выработке этанола / Ю. Е. Дубовицкий, В. В. Колпакова, Л. Н. Крикунова // Производство спирта и ликероводочных изделий. -2001. - № 4. - С. 18-20.
  19. ГОСТ 10847-74. Межгосударственный стандарт. Зерно. Методы определения зольности
  20. Под редакцией Егорова Н. С. Руководство к практическим занятиям по микробиологии. 3-е издание. – М.: Издательство Московского университета, 1995, - 129-132.
  21. Полыгалина Г.В. Теххимический контроль спиртового и ликероводочного производства. – Москва.: Колос, 1999, С. 155-156.
  22. Нечаев А. П., Траубенберг С. Е., Кочеткова А. А., Колпакова В. В., Витол И. С., Кобелева И. И. Пищевая химия. СПбю:ГИОРД, 2007. 640 с.е изд., перераб. и доп. /: Высш. шк. М., 1985. - 327 с.

23. Feder J., Kohavi D., Anderson R.G., Wildi B.S. Stabilization of proteolytic enzyme in solution // *Biotechnol. and Bioeng.*, 1978. V.20 – №12. – P. 1865-1872.
24. Хоштария Д.Э., Тополев В.В. О стабилизирующем влиянии хлористого калия на активную конформацию  $\alpha$ -химотрипсина. // *Биоорг. химия.* – Москва, 1980. Т.6. –№ 3. – С. 455-460.
25. Нестеренко Е.А., Орешенко Л.И. Стабилизация щелочной протеиназы в растворах // *Микробиол. пром-ть.* – Москва, 1981. –№.4. – С. 14-15.

**Аннотация.** Коррупцияга қарши курашиш XXI асрнинг асосий муаммоси сифатида халқаро ташкилотлар, институтлар, фан арбоблари, юридик соҳа вакиллари томонидан чуқур илмий ўрганиб келинмоқда. Ҳозирга қадар халқаро ҳуқуқда “коррупция” иллатини тўлиқ қамраб олган ягона ҳуқуқий тушунча мавжуд эмас. Марказий Осиё давлатларининг “Коррупцияга қарши кураш” сиёсатида ҳам ҳар давлат ўз давлат бошқарувидан келиб чиқиб ушбу иллат билан кураш олиб борилмоқда. Мақолада коррупция билан курашда Марказий Осиё давлатлари ўз тажрибаларини, курашиш усулларини таҳлилий асосда олиб бораётганлиги ёритилган. Шунингдек, минтақа давлатларининг айнан коррупция билан билан боғлиқ жараёнларни, унга шароит яратиб бераётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни назорати бўйича олиб бораётган сиёсати, янги қонунлари ва белгилаётган давлат стратегиялари илмий очиб берилган.

**Калим сўзлар:** коррупция, давлат, жамият, қонунчилик, қоида, стратегия, мансабдор шахс, давлат хизматчиси, ахлоқ меъёрлари, жиноят, порахўрлик, ваколат, имтиёз, манфаат, сотиб олиш, жавобгарлик.

Ҳозирда бутун дунёда коррупция тушунчаси кенг тарқалди. Барча давлатларда коррупция ҳолатларининг ўсиши у билан курашиш долзарблигини, унга қандай усуллар билан курашиш, коррупцияни қандай енгиш мумкинлигини ўртага қўйиб, зарурий чора-тадбир сифатида турли дастурлар ва қонунларни ишлаб чиқилишига эҳтиёж кучаймоқда.

XIX-XX асрларда ривожланган давлатларда коррупциянинг янги босқичи эволюцион ривожланиш чегараси бўлди. Бир томондан, давлат бошқаруви ва мос равишда ҳокимият амалдорларининг навбатдаги кураши жадаллашуви бошланди. Бир томондан – йирик хусусий бизнес, унга рақобатчи “давлат харидлари” туғилди, энди алоҳида майда давлат хизматчиларини сотиб олиш эмас, балки капитал ҳимояси иши эътиборда бўлиб, тўғридан-тўғри сиёсатчи ва юқори мансабдорлар фаолиятига бўйсундирилди. Бу эса ривожланган давлатларда сиёсий партиялар ролининг ўсишига (асосан иккинчи жаҳон уришидан кейин Ғарбий Европа давлатларида) йирик фирмалар ва трансмиллий уюшмалар ўз лоббистик қизиқишлари учун шахсан сиёсатчиларга эмас, партия кассасига тўлашига олиб келмоқда [1, 3 б.].

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция кўпроқ халқаро муаммо даражасига етди, дейиш мумкин. Уюшмалар чет эл юқори мансабдор шахсларини сотиб олиши оммавий тус ола бошлади. Глобаллашув шунга олиб келдики, бир давлатдаги коррупция кўпгина давлатлар ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган бўлди. Шу сабабли, коррупция даражаси юқорироқ бўлган давлатлар учинчи дунё билан қисман чегараланиб қолмади: 1990

йилларда собиқ социалистик давлатларида либерализм ўзи билан чидаб бўлмас даражада мансаб суиистеъмомчилигини олиб кирди. «Financial Times» газетаси ўзининг 1995 йил 31 декабрдаги нашрида 1995 йилни “коррупция йили” деб эълон қилди. БМТ коррупция тўғрисидаги билимлар ташвиқоти учун Халқаро коррупция билан курашиш кунини таъсис этди (9 декабрь) [1, 4 б.]. Ўтган давр мобайнида вазият янада мураккаблашди.

Коррупциявий ҳаракат муаммоси давлатнинг фақатгина ички муаммоси сифатида кўрилиши тўхтади. Бунга коррупцияга қарши қуйидаги халқаро даражадаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши гувоҳлик бериб турибди. БМТнинг давлат мансабдор шахсларининг ахлоқи тўғрисидаги Халқаро кодекси (1996 й.); халқаро ишбилармонлик операцияларини ўтказишда чет эл мансабдор шахсларнинг иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорликда порахўрлик ҳаракатига қарши кураш Ташкилоти Конвенцияси (1997 й.); коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Европа Кенгаши Конвенцияси (1999 й.); транснационал уюшган жиноятчиликка қарши БМТ Конвенцияси (Нью-Йорк, 2000 й.); Коррупцияга қарши БМТ Конвенцияси (2003 й.) [1, 5 б.].

Агар биз алоҳида юридик ҳужжатларга қарайдиган бўлсак, коррупция тушунчаси аниқ ҳуқуқий таърифга эга эмаслиги аён бўлади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йилдаги йиғилиши ва минтақалараро коррупция муаммоси семинарида (Гавана, 1990 й.) қуйидаги таъриф таклиф қилинган: коррупция бу - шахсий ёки гуруҳлар манфаати учун хизмат вазифасини суиистеъмом қилиш, шунингдек давлат хизматчиси, эгаллаб турган хизмат мавқеи орқали ноқонуний фойда олишидир. Аён бўладики, порахўрлик учун ўзига хос бўлган, фақатгина моддий фойда олиш ҳақида гап кетмаяпти.

БМТнинг саккизинчи конгрессида (Гавана, 1990 й.) коррупциянинг белгилари сифатида қуйидагилар ҳисобланиши таклиф этилган: а) коррупциявий ҳуқуқбузарлик субъекти ўз ваколатидан фойдаланишда ноқонунийлик хусусиятига эга бўлса; б) коррупциявий ҳуқуқбузарлик кўптармоқли хусусиятга эга бўлса; в) давлат мансабдор шахси бўлган коррупциявий жиноят субъекти доирасининг чегараланганлиги; г) нисбатан хавфли бўлган коррупция икки кўринишда намоён бўлади: давлат ёки жамият мулкани коррупциявий ўзлаштириши; давлат хизматчиси ўз хизмат ваколатини суиистеъмом қилиб, ўғрилиқ аломатлари бўлмаган ҳолда, қандайдир имтиёзни ноқонуний ўзлаштириши [1, 10 б.].

Ҳуқуқшунослар коррупция тушунчасини шакллантириш устида бир қанча уринишлар қилишган. Масалан, доктор Брайан В. Робертс томонидан коррупция тушунчасига қуйидаги таъриф таклиф қилинган: “Коррупция бу- шахснинг ўзи масъул бўлган, тақсимланган қоидаларни мажбуран бузиши, манфаатларга асосланган ҳар қандай фаолиятидир. Қоидалар тақсимоти фақатгина қонуннинг расмий томонига эмас, у жамият томонидан мажбурий деб қабул қилинган меъёрлар ёки мансабдор шахснинг тизим ва кодекс доирасида иш олиб боришларидир. Шунингдек, “коррупциявийлик” шундай ҳаракат ҳодисасидирки, жамоатчилик уни ноқонуний ҳисоблайди ёки ҳукмдор элита томонидан мавжуд қоидалар мантиғига зид ҳаракати сифатида талқин этади” [1, 9 б.].

С. В. Максимовга кўра, жиноят бўлмаган коррупцион ҳуқуқбузарликни жуда ингичка чегара жиноятдан ажратиб туради. У коррупцион



хуқуқбузарликни тўртта кўринишга ажратади: фуқаровий-хуқуқий ғайриқонуний ҳаракатлар, интизомий қилмишлар, маъмурий қилмишлар ҳамда жиноят [2, с. 32]. В.В. Лунеев эса, коррупцияни хуқуқидан кўра, тезлашган, ижтимоий синтетик ёки криминологик тушунча сифатида белгилаб, уни аниқ жиноят таркиби эмас, қариндошчилик ҳаракати кўриниши мажмуи сифатида кўриш кераклигини таъкидлайди [3, с. 34].

Юридик адабиётларда коррупцияни сиёсий ва маъмурийга бўлишади. Сиёсий коррупция сиёсий давлат хизматчилари ҳаракатига алоқадор – ҳукмрон элита (юқори мансабдор шахс). Маъмурий коррупция- аҳолига хизмат кўрсатувчи (юридик шахсларни рўйхатга олиш, лицензия бериш, божхона йиғимлари ва ҳ.к.) маъмурий давлат хизматчилари ҳаракатидир. Ушбу вазият бизга сиёсий ва ҳукмрон элита жиноятчилигига қарши таъсир кўрсатиш ва огохлантириш тартибини қайта ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидламоқда. Бу жуда муҳимдир. Криминологлар аниқ муносабат берган: элитада криминал қанча юқори бўлса, аҳоли орасида ҳам жиноятчилик юқори даражада бўлади. Худди шундай, ҳокимиятга нисбатан ижобий ёки салбий муносабат шаклланади [3, с. 35].

Марказий Осиё давлатларида коррупция ўзлаштирилиш кўрсаткичи (2015-2019й.й. "Transparency International" ХНТ таҳлили асосида) ва Коррупция тўғрисида қонун қабул қилиниши						
Кўрсаткичлар		Қозоғистон	Қирғизистон	Ўзбекистон	Тожикистон	Туркменистон
Ўрни	2015	123	123	153	136	154
	2016	131	136	156	151	154
	2017	122	135	157	161	167
	2018	124	132	158	152	161
	2019	113	126	153	153	165
Баҳоланиши (100 баллик шкалада)*	2015	28	28	19	26	18
	2016	29	28	21	25	22
	2017	31	29	22	21	19
	2018	31	29	23	25	20
	2019	34	30	25	25	19
Ўсиш ёки пасайиш динамикаси * (олдинга йилга нисбатан)	2015	↓	↓	↓	↓	↓
	2016	↑	↑	↑	↑	↓
	2017	↓	↓	↑	↑	↑
	2018	↑	↓	↑	↓	↓
	2019	↓	↓	↓	↑	↑
Қонун қабул қилиниши (йил)		1998 (2015 йил қайта янгиланган)	2012	2017	2005 (2020 йил қайта янгиланган)	2014
Изоҳ: * 0- коррупциянинг энг юқори даражаси, 100- коррупциянинг энг паст даражаси * ↓ - коррупция пасайиш кўрсаткичи, ↑ - коррупция кўтарилиш кўрсаткичи						

Б. Омоновнинг ёзишича, коррупцияни идрок этиш индексини – давлат секторидаги коррупция даражасини эксперт ва бизнес вакиллари баҳолайди. Аввалги йилларда бўлгани каби дунё мамлакатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг ўртача бали 43 дан 52 гача турибди. Индекс тузувчилар фикрича бу, аксарият давлатларнинг коррупцияни жиддий назорат қила олмаганлиги ва демократиянинг инқирозидан дарак беради [4, 4 б.].

Юқоридаги жадвал қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, фақатгина Қозоғистон Республикаси аста-секин сезиларли ижобий натижалар қайд этиб бормоқда.

Биз, Марказий Осиё давлатларининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” Қонунларини қарайдиган бўлсак, коррупция тушунчасига турлича таърифларни кўришимиз мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Қонунида, *коррупция* - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш [5,1 б.].

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси коррупцияни назорат қилиш мақсадида жиддий чоралар кўришни бошлади. Лекин, дунё тажрибаси кўрсатаётганидек, коррупция устидан тўлиқ ғалаба қилиш имконияти мавжуд эмас, у ўз чегарасидан чиқиб кетмаслиги учун, уни назорат остида ушлаб туриш мумкин, афсуски, ҳозирча фақат коррупцияни назоратда ушлаб туриш тўғрисида гапиришга тўғри келади. Коррупцияни бутунлай илдириб қуришти имкониятини берувчи платформа ҳали мавжуд эмас, биринчи навбатда: аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини, таълим ва ташвиқот фаолияти орқали коррупцияни хуш кўрмаслик менталитетини шакллантириш ва қонунчиликни такомиллаштириш лозим бўлади.

- Қозоғистон Республикаси Қонунида, *коррупция* – давлатнинг масъул лавозими билан шуғулланувчи, давлат вазифаларини бажариш ваколатига эга шахс, давлат вазифаларини бажариш ваколатига эга шахсларга тенглаштирилган мансабдорларнинг, ўз мансаб (хизмат) ваколати ва уларга тегишли имкониятлардан шахсан ёки воситачи орқали, ўзига ёки учинчи шахсга мулкый (номулкий) имтиёз ва манфаат олиш ёки чиқариш мақсадида ноқонуний фойдаланиши, худди шунингдек, ушбу шахсларнинг имтиёз ва манфаат тақдим этилиш йўли билан сотиб олинishi [6,1 б.].

Қозоғистон коррупцияга қарши сиёсатининг диққат марказида иккита асосий мақсад турибди: биринчиси - болаликдан бошлаб миллий аънаналарни ҳисобга олган ҳолда коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш; иккинчиси - давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш.

- Қирғизистон Республикаси Қонунида, *коррупция* – ҳокимият ваколатларига эга бўлган бир ёки бир неча мансабдор шахсдан иборат вужудга келган барқарор ғайриқонуний алоқалари бўлиб, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид туғдирадиган алоҳида шахслар ёки гуруҳларга ноқонуний моддийлик ва бошқа турли имтиёз ва манфаат олишлари, шунингдек, улار томонидан қастдан жисмоний ва юридик шахсларга имтиёз ва манфаатлар тақдим этилиш фаолияти [7,1 б.].

Қирғизистон Республикаси минтақада коррупцияга қарши курашда нисбатан натижаларга эришаётган давлатлардан биридир. Ушбу йўналишда амалга оширилган бир қатор илмий ва амалий ишларни кўришимиз мумкин. Шунингдек, халқ иродасига қараб сиёсат юргизиш тамойили устунлик қилишни бошлаган, лекин меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда кўпгина муаммолар борлиги кўзга ташланади.

- Тожикистон Республикаси Қонунида, коррупция - давлат функцияларини бажаришга ваколатли шахс ёки унга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат мавқеидан ва имкониятларидан фойдаланиб, ўз манфаати ёки бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб ноқонуний равишда моддий ва номоддий имтиёзлар, имтиёзлар ва бошқа имтиёзларни олиш мақсадига қилинган ҳаракат (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ўз фойдасига ёки бошқа шахсларнинг фойдасига, шунингдек шахсан ёки билвосита коррупция билан боғлиқ жиноятлар субъектларига уларни жисмоний ёки юридик шахсларнинг фойдасига бундай ҳаракатларни содир этганликлари учун мукофотлаш учун моддий ва номоддий имтиёзлар, устунликлар ёки бошқа имтиёзлар бериш [8, 1 б.] белгиланган.

Тожикистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш бўйича ўрта муддатли сиёсати сифатида 2013-2020 йилларда Тожикистон Республикасида коррупцияга қарши кураш стратегиясида ҳукумат, фуқаролик жамияти билан ҳамкорликда дунёга таниқли глобал ва минтақавий ташкилотлар халқаро стандартларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатда коррупция даражасини пасайтиришга йўналтириш мақсадига ишлаб чиқилган. Бу ўзининг сезиларли натижасини ҳали кўрсатганича йўқ.

- Туркменистон Республикаси Қонунида, коррупция – давлат хизматчиси шахсан ёки воситачи орқали ўзи ёки учинчи шахс учун мансаб ваколати ва унга алоқадор имкониятлардан фойдаланган ҳолда пул, бойлик, бошқача мулк ёки мулкка хос хизмат, турли мулккий ҳуқуқ кўринишларида манфаат олиши, шунга тенг таъкидланган шахсларнинг жисмоний шахсларга шундай ноқонуний манфаат тақдим этиши, шунингдек, юридик шахс номидан ёки манфаатига юқоридаги ҳаракатни содир этиш йўли билан сотиб олиниши [9, 1 б.].

Туркменистон Республикаси Президенти коррупция жинояти билан айбдор деб топилган жиноятчиларга нисбатан амнистия акти қўлламаслик ва коррупция бўйича қонунларни қаттиқлаштириш бўйича сиёсат юргизмоқда. Лекин олиб борилаётган ислохотлар коррупция даражасини пасайтиришга хизмат қилаётгани йўқ.

Юқорида минтақадаги давлатлар Қонунидаги таърифлар турлича бўлишига қарамай, моҳиятан бир-бирига яқин, яъни коррупцияни айнан давлат ваколатига эга бўлган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солиши сифатида кўришимиз мумкин. Лекин амалда кўриладиган чораларда оддий давлат хизматчилари поражўрлиги коррупция сифатида назарда тутиладиганлиги намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқчилигида, “коррупция” тушунчаси тўғрисида, тўлиқ илмий-назарий тадқиқотлар натижаси сифатида олинган қарашлар мавжуд эмас. Лекин халқаро ҳуқуқий меъёрлар чегарасида, юридик адабиётларимизда, коррупция - давлат функцияларини бажариш ваколатига

эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши дея таърифланган. Коррупциянинг жиноий жазога лойиқлиги – қандайдир имтиёзлар олиш мақсадида давлат хизматчилари, мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб, бундай имтиёзларни бериш каби Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-210, 214-моддаларида жавобгарлик белгилаб қўйилган жиноятлар мажмуидир деб таъриф берилган [11, 201 б.]. Лекин ушбу таъриф, юқорида айтиб ўтганимиздек, кўпроқ оддий порахўрликни ўзида ифодалайди.

Бироқ, сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш сиёсатини кўрадиган бўлсак, 2017 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент Қарори, 2019 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йилдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва “Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори ушбу иллатга қарши сиёсат кескинлашганини кўрсатади.

Коррупция - таъмагирикнинг юқори нуқтаси. Унга қарши курашда амалдорлардан сиёсий ирода талаб қилинади. Ушбу вазиятдан чиқиш йўли шуки, аввало, давлат бюрократик аппарати ҳажми имон қадар камайиши, фуқароларнинг шахсий ҳаётига ва иқтисодий фаолиятига давлатнинг минимал аралашуви, монополияга барҳам берилиши лозим [4, 4 б.].

“Transparency International” халқаро нодавлат ташкилоти 180 та давлат рўйхатида ўтказиб бораётган коррупция ўзлаштирилиши кўрсаткичларидан шуни кўришимиз мумкинки, Марказий Осиё давлатлари коррупция юқорилиги бўйича жуда салбий натижаларни кўрсатиб келмоқда. 100 баллик баҳолаш тизимида энг юқори ўринларни Скандинавия (Дания, Норвегия, Швеция) давлатлари 88-87 балл билан эгаллашаётган бўлишса, Марказий Осиё (Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон) давлатлари эса 34-19 балл билан рўйхатнинг пастки ўринларидан жой эгаллашган.

Марказий Осиё минтақаси аҳоли турмуш тарзи, менталитети ва кўпгина урф-одатлари яқинлиги ушбу минтақада коррупцияга қарши курашда ўзаро тажриба алмашишлари лозим бўлади. Ҳозирда “Transparency International” ХНТ таҳлили асосида коррупция даражаси энг паст ҳисобланаётган Скандинавия давлатлари, қолаверса узоқ йиллар давомида ягона сиёсат остида бошқариб келинган собиқ совет давлатлари орасида ижобий натижаларга эришаётган Эстония, Литва, Грузия давлатлари тажрибасини ўрганиш ва миллий қонунчиликда чуқур ислохотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда.

**Хулоса ўрнида** шуни айтишимиз мумкинки, коррупция мураккаб

ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмайди. Ушбу фаолият комплекс-мажмуавий тарзда амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва объекти сифатида алоҳида олинган коррупционер эмас, балки ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларини бартараф қилиш ва профилактик олдини олиш чораларини қўллаш, хусусан, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги муҳим ўринни эгаллайди. Коррупция устидан ғалаба қозониш учун жаҳон миқёсида етарлича катта ва кенг қўламли ишларни бажариш кутилмоқда.

### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Коррупция в Кыргызской Республике и ее предупреждение / сост. Л. Садыкова, Н. Сулаймонова. Бишкек: Изд-во КРСУ, 2016, 297 с.
2. Максимов С. Коррупция. Закон. Ответственность. М.2000
3. Лунеев В. Преступность XX века. М., 2005
4. Омонов Б. Коррупция ва миллий тараққиёт: муаммо ва ечимлар. “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 7 август, №165 (7667). WWW.XS.UZ
5. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ub 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сон Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
6. Закон Республики Казахстан от 18 ноября 2015 года №410-V «О противодействии коррупции» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.07.2020 г.)  
[https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=33478302](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=33478302)
7. Закон Кыргызской Республики от 8 августа 2012 года №153 «О противодействии коррупции» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 18.03.2017 г.)  
[https://online.zakon.kz/document/?doc\\_id=31238115](https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31238115)
8. Закон Республики Таджикистан “О борьбе с коррупцией” от 7 августа 2020г. №1715.[http://www.narodnaya.tj/index.php?option=com\\_content&view=article&id=11872:2020-08-13-06-03-38&catid=69:zakoni&Itemid=171](http://www.narodnaya.tj/index.php?option=com_content&view=article&id=11872:2020-08-13-06-03-38&catid=69:zakoni&Itemid=171)
9. Закон Туркменистана “О противодействии коррупции” от 1 марта 2014 года №35-V (В редакции Законов Туркменистана от 26.08.2017 г. №600-V, 04.11.2017 г., 02.03.2019 г.)
10. Юридик атамалар қомусий луғати /Масъул муҳаррир: Ҳ.Р.Раҳмонқулов // -Т.: “Шарқ”, 2003.-432 б.
11. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.  
<https://www.lex.uz/acts/9766>
12. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111453>

**Маматкулов Рустам Убайдуллаевич**  
**Тошкент кимё-технология институти,**  
**Ахмедов Хамдам Аликулович**  
**Тошкент давлат аграр университети**  
**(Тошкент, Ўзбекистон)**

## **ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИДА МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ— МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ**

**Аннотация:** мақолада ёшларни “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоялашда ахборот оқимининг таъсири, уни салбий оқибатларини бартараф этишнинг маънавий, ахлоқий омиллари масаласи ҳақида фикр юритилган. Маънавий хавфсизликни таъминлашда ижтимоий-гуманитар билим соҳаларининг ҳал этувчи роли кўрсатиб берилган.

**Аннотация:** в статье рассматривается влияние потока информации на защиту молодежи от различных атак «Популярной культуры», проблема некоторых духовно-нравственных факторов для преодоления ее негативных последствий. Подчеркивается решающая роль социального и гуманитарного образования в обеспечении духовной безопасности.

**Summary:** The article discusses the influence of the flow of information on protecting young people from various attacks of the "Popular Culture", the problem of some spiritual and moral factors to overcome its negative consequences. The crucial role of social and humanitarian education in ensuring spiritual security is emphasized.

Ҳар бир жамиятнинг бугуни ва келажак тақдири ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажagini, салоҳиятини белгилловчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Зеро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоғи, маънавияти ва онглилиги даражаси билан белгиланиши шубҳасиз. Бу халқимизда «Нима эксанг шуни ўрасан» қабилдаги мақолнинг мантиқий ифодаси сифатида талқин этилиши ҳам бежиз эмас. Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир.

Ёшларнинг муаммоси учун давлатимиз раҳбари томонидан жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси бевосита масъул эканлигининг қайд этилиши ҳам масаланинг ўта долзарблигини ифодалайди.

Бинобарин, бугунги кунда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни мақсад билиб, кенг қамровли ислохотларни амалга ошираётган ва тараққиёт йўлида фаолият юритаётган мустақил мамлакатимизда ушбу ўзгаришларни теран идрок этадиган эркин фикрли, фаол, озод шахсларга эҳтиёж мавжуд. Давлат томонидан ёшларнинг ўз

иқтидор ва салоҳиятларини амалда намоён қилишлари учун шароит яратиб берилиши ҳар вақт ўзини оқлаши шубҳасиз. Теран фикрли, фаол фуқаролар эса бугунги ёшлармиздан етишиб чиқишини унутмаслигимиз лозим.

Мустақиллик шарофати боис юртимизда иймонли, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, дунёни янгича идрок этадиган, ўз тақдирини ватанининг тақдири билан боғлиқ, деб биладиган янги авлод вақилларининг вужудга келишига имконият яратилди. Натижада, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий салоҳиятига ўз ҳиссасини қўшадиган билимдон, зукко, тadbиркор инсонларнинг вақиллари пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти эса ёшлар эканлиги фикримизнинг далилидир. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 70 фоизини ташкил этувчи ёшлар катта ижтимоий-сиёсий куч эканлиги бир томондан давлат зиммасига улкан масъулият юкласа, иккинчи томондан эса ёшларга оид мақбул сиёсат юргизиш натижасида ижобий имкониятларни ҳам беради. Яъни, ёшларни ҳаётга тўғри йўналтириш, уларга ўзларини реал ҳаётда тўтиб олиши учун моддий ва маънавий шароит яратиб бериш асносида ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабат мустаҳкамланади. Давлат томонидан ёшларга нисбатан юритилаётган бундай сиёсат бевосита ёшларнинг ўз ҳуқуқлари ва бурчларига риоя қилиш масъулиятини оширади. Ҳозирги пайтда мазкур механизм мамлакатимизда реал амал қилаётганлигини айтиб ўтиш лозим.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, жамиятнинг “инсон - жамият – давлат” тарзидаги янги формуласининг конституциявий асоси белгиланганлиги ҳам эътиборга молик бўлди. Негаки, дастлаб инсоннинг иродаси кейин жамиятнинг иродаси ва сўнгра давлат иродасининг ифодаланиши умумбашарий демократиянинг муҳим талабларидандир. Инсон тўшунчаси тағ заминининг асосини ёшлар ташкил этиши табиий. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ёшлар сиёсати давлат сиёсатининг устувор йўналиши, дея эътироф этилди. Унинг натижаси ўлароқ, 1991 йилнинг 20 ноябрида республика ёшларининг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган ёшларга оид сиёсатни ишлаб чиқиб уни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги [1] Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йил 15 сентябрда “Давлатнинг ёшлар сиёсати ҳақида”ги Қонунга имзо чеккан. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача илгарги парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган.

Мазкур қонуннинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўлатуқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат этиб белгиланди. Ёшлар сиёсатига оид ушбу қоидалар қонунларимиз манбаи саналмиш конституциямизнинг муқаддимасидан бошлаб унинг мазмунига конституциявий

норма сифатида сингдирилди. Бугунги кунда эса ушбу конституциявий нормалар асосида ёшларга оид қонун ва қонуности ҳужжатларнинг қабул қилинишига асос бўлмоқда.

Ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юрист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этишни ўзида мужассам этган 1997 йилнинг 29 августида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури” [2] қабул қилинди. Кўриниб турибдики, ушбу дастур ҳам давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиши мобайнида ёшларни мазкур жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш ҳамда муносиб ворислар етиштиришда уларга тегишли ҳуқуқий шароитлар яратиб беришни назарда тутди.

Юқорида келтирилган қонун ва дастурларнинг мазмун моҳияти ҳам давлатнинг бош ислохотчи сифатида ёш авлодга нисбатан етарли қонуний механизмларни яратиш йўлидаги жиддий саъй-ҳаракатини англатади. Бу мантикий ҳол. Давлат ўз келажагини ўйлаб, фаолият юритмоқда. Соғлом авлод концепцияси давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Ёшларнинг манфаатини ўзида ифода этган бир нечта давлат дастурларининг қабул қилиниб амалга оширилиши ҳам эътиборга молик иш.

Ёш авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг моҳияти президентимизнинг мазкур маърузасида ўз ифодасини топган. Унга кўра: “Бизнинг асосий вазиғамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат” [3]. Масала ўта жиддий ва масъулиятли. Чунки, айнан шу қатъий мақсад йўлида жамият аъзоларининг бир мақсад йўлида бирлашиши ҳамда таълим жараёнини амалга оширувчиларнинг масъулиятни ҳис қилишигина келажакда барча соҳаларда муносиб ворисларнинг етишиб чиқишига имконият яратади. Интеллектуал салоҳиятли ёшлар ҳар бир жамиятнинг ютуғи, таянчи эканлиги барчага аён. Жамият аъзоларининг ҳар бирида мазкур йўналишда ўз бурчдорлик ҳиссининг идрок этилиши муаммонинг ҳал этилишини янада тезлаштиради.

Аслида давлатимиз мустақиллигидан кейин мустақил фикрлайдиган, эркин шахсларни камол топтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, конституциямиз ёхуд юқорида номлари қайд этилган қонун ёки дастурлар асосида юртимиздаги ёшларни жинси, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар соғлом ва баркамол шахс сифатида вояга етишига замин яратиш, жамиятдаги турли қатлам ёшларини ёлғизлатмаслик ва уларга давлат ҳамда жамият аъзоларининг эътиборини халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қаратиш каби савобли ишлар амалга оширилди. Ёшлар манфаатини химоялаш уларнинг маънавий тарбиясига булаётган турли маънавий таҳдидларнинг олдини олиш билан чамбарчас боғлиқ.

Қадимий ўзбек халқи азалдан фарзанд, ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келган. Маънавий тарбия биз учун доимо юксак қадрият ҳисобланган. Ғурури юксак халқ ўз ёшларини юксак қадрият руҳида вояга етказиши шарт. Мақсад - ёшларнинг қизиқиш ва интилишларини эзгу



мақсад сари йўналтиришдир. Аммо ёшлар тарбияси ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Бунинг учун ёшларга оид давлат сиёсатида, ёшлар манфаатини юзага чиқаришда уларнинг таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас” [4]. Дарҳақиқат Ўзбекистон дунё сари юзланганда, чегаралар очилганда тоза мусаффо ҳаво билан бирга, хиралашган, бизга ёт “маданият” унсурлари ҳам кириб келмоқда. Бу эса, аввало ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, биринчи Президентимиз Ислом Каримов маънавиятга, ёшлар онгига таҳдид солиш қандай машъум асоратларга олиб келишини асослаб, шундай деганди: “Оммавий маданият” таҳдиди ана шундай ғоявий – маънавий таҳдидлардан энг хавфлиси ҳисобланади” [5]. Чунки, “оммавий маданият” сиртдан “беозор”, “маҳлиё этувчи” жиҳати билан ёшлар тарбиясига ўта салбий таъсир кўрсатади. Шавкат Мирзиёев: “...диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда,” [6] дегани бежиз эмас. Вайронкор, бузғунчи ғоялар биринчи галда ёшлар онгини захарлашга қаратилган. Бугунги кунда ҳеч бир халқнинг миллий ва маънавий аънанаси, одатларига тўғри келмайдиган турли “урф-одатлар”, “оммавий маданият” ниқобидаги европача маданиятга тақлид кучаймоқда. Бу салбий ҳолат баъзи ёшларимизнинг ташқи ва ички қиёфасида кўзга ташланади.

“Оммавий маданият” кишининг руҳиятини бузади, одамларни мустақил фикрдан, демак, ўзлигидаги “мен”идан жудо қилади, ахлоқсизликка ундайди. Биз бунини замонавий маънавий таҳдидлар сифатида қоралаймиз. Чунки улар ёшлар онгида нафақат ахлоқий бузуқликни, балки зўравонлик, индивидуализмни, манманликни кенг оммалашувига хизмат қилади. “Оммавий маданият”нинг жамиятда намоён бўлиш шакллари қуйидагиларда намоён бўлади: кашандалик, алькоголизм, (айниқса, талаба-ёшларнинг сигарета чекишга қизиқишлари) ҳаддан ташқари тор ва очиқ кийиниш ҳолатлари, турли хил соч турмаклари модаси, ғайритабиий саломлашиш, рок турдаги қўшиқларни тинглаш, билимсизлик, ахлоқсизлик, маданиятсизлик, тартибсизликни қўллаб-қувватлаш, татуировка, Валентин кунларини нишонлаш, бир жинсли никоҳ, эркакларнинг (айниқса, ёш йигитларнинг) аёллар кийимида юриши ва аёллар пардоз воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзига оро бериши (кўзи, лаби, қоши ва сочларини бўяши) кабилардир. Ёшларимизни “Оммавий маданият” таҳдидидан асраш учун юксак инсонийлик ва одобга асосланган миллий ғояга суянишимиз муҳим аҳамиятга эга. Профессор С.О. Отамуратов ёзганидек, “...очни тўйдириш, яланғочни кийинтириш мумкин. Аммо бир авлод умри давомида маънавий қашшоқликдан қутулиш мураккаб муаммо ҳисобланади. Бундай хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг олдини олиш, истиқболда ундан қутилишнинг ягона омили маънавиятни кўтариш, инсоннинг ботиний руҳиятини янгилаш ва бойитишдир” [7]. Хулоса шуки, асосий эътиборни миллий қадриятларни

авайлаб асраш ҳамда ёш авлодни аждодлар намунаси асосида тарбиялашга қаратиш лозим. “Оммавий маданият”га қарши ўзимизнинг миллий маданиятимиз дурдоналарини ёшларга сингдиришимиз, ўргатишимиз, иккаласини солиштириб, оқибатлари нималарга олиб бориши мумкинлигини яққол ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб беришимиз лозим бўлади.

“Бугунги кунда тўрт мингга яқин ёшлар турли мукофотларга сазовор бўлган, 110 йигит- қиз Ватанимизнинг юксак унвонлари билан тақдирланган. 22 мингдан ортиқ ёшлар фан олимпиадаларида, 195 нафари халқаро олимпиадаларда ғолибликни қўлга киритган. Ёшларимиз орасида фан номзодлари, фан докторлари ҳам талайгина. Шунингдек, 192 мингдан ортиқ ёшлар турли спорт мусобақалари, уч мингдан кўпроғи халқаро мусобақалар ғолибидир. Ёшларимиз орасида 600 жаҳон чемпиони, 1 минг 300 та Осиё чемпиони бор” [8]. Ёшларимиз вакиллари шу натижаларга қай тарзда эришдилар? Шуларни барча ёшларимизга намуна қилиб, унга эришиш сир асрорини билдиришимиз, ўз кучига ишонч руҳини тарбиялашимиз керак. Бўш вақтдан унумли фойдаланиш муваффақият калити эканлигини тушунтиришимиз шарт. Бу эса, турли ёт ғоялардан асраш билан бирга, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришнинг ягона йўли ғоясини сингдириб боришда муҳим амалий-услубий аҳамият касб этади.

Шу ўринда ахборот хавфсизлигини талаб даражасида таъминлай олиш масаласи муҳимдир. Бунинг учун **биринчидан**, ёшлар интернет орқали келаётган миллионлаб маълумотлар оқимини англаши, уни саралаш ва ижобийларини қўллаб олиши керак. Интернетдаги ноқонуний, ахлоққа зид маълумотлар сайтларига таъқиқ қўйиш вақти келди. **Иккинчидан**, ғайриинсоний одатларни тарғиб этувчи кучларга, ахборот оқимига қарши тура оладиган, маънавий, ахлоқий, интеллектуал мазмундаги эшиттириш ва кўрсатувларни янада жонлантириш лозим. **Учинчидан**, ёшлар манфаати ва қизиқишларини ҳам ҳисобга олувчи, қизиқарли билим ва одатларни тарғиб этувчи махсус, ихтисослашган радио эшиттиришлар, телевизион кўрсатувлар каналини ташкил этиш зарур. Бу каналлар мавжудларига альтернатив тарзда эзгу ғоялар сари рақобат муҳитини жонлантиради. **Тўртинчидан**, барча таълим муассаларида Ижтимоий фанларни, ахлоқий-эстетик билим соҳаларини ўқитишни янада кенгроқ ва самарали йўлга қўйиш зарур. Зеро мазкур билим соҳалари ёшларимиз ҳаётда қайси соҳада бўлмасин, аввало у юксак ахлоқий-маънавий фазилат эгаси, инсонни, жамиятни қадрловчи ҳазрати инсон бўлиб шаклланишида муҳимдир. **Бешинчидан**, ёшларимиз компьютер ва интернет сабоқларини ўзлаштирмақда, аммо интернетдан фойдаланиш маданиятини, ахборот хавфсизлигини таъминлаш малакасига ҳам эга бўлишлари зарур. Бундай баркамол инсонга хос фазилатларни фақат ва фақат ижтимоий-гуманитар билим соҳаларига ёшларга сингдира олади. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда, вайронкор ғоялар таҳдидига қарши тура оладиган билим - кўникмани беради.

“Жамият ҳаётининг демократлашуви, модернизациялаш жараёнлари аҳолининг энг катта ижтимоий қатламини ташкил этадиган ёшларнинг ижтимоийлашувига катта таъсир кўрсатади,-деб тўғри таъкидлайди сиёсий фанлар доктори Б. Омонов. – Ёшлар – жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илғор қатлами, келажакнинг ишончли эгалари. Шу нуқтаи-назардан қараганда,

ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин” [9].

Ҳа, сиёсий онг ривожии даражасига эришилганида, ёшларни ахборот оқимидаги ғайриинсоний маънавий таҳдидлар хуружидан маълум даражада асраган бўламиз. Бу эса, жамиятимизда ёшлар манфаатини таъминлашда маънавий тарбияни юксалиши йўлидаги янги бир қадам бўлиб қолади.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 466-1-сон Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сузи газетаси, 2017 йил, 22 сентябрь
4. Мирзиёев Ш. М. Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш-давр талаби. Видео селекторда нутқи – Т.: 2017 йил 15 июнь. <http://uza.uz/uz/politics/jismoniy-va-ma-naviy-yetuk-yoshlar-ezgu-maqсадlarimizga-yeti-30-06-2017>
5. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. 11 б.
6. Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Т.: 2017 йил. 30 июнь. <http://uza.uz/uz/politics/vatanimiz-taqdiri-va-kelajagi-yo-lida-yanada-hamjihat-bo-lib-15-06-2017>
7. Отамуратов С. А., Отамуратов С.С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т., “ЎАЖБНТ” Маркази, 2003 йил, 184 б.
8. Ёшлар куни - ёшларимизни юксак мақсадлар сари рағбатлантиради. <http://uza.uz/uz/society>.
9. Омонов Б. А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: “Aloqachi”, 2019. 167 б.

**Холматов Баходир Холмурадович**  
**Тошкент кимё-технология институти ўқитувчиси**  
**(Тошкент, Ўзбекистон)**

**“ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ” ТУШУНЧАСИ, УНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИАТИ**

**Аннотация:** Мақолада «халқ дипломатияси» тушунчасининг мазмун-моҳияти, хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан тушунчага берилган таърифлар, ёндашувларнинг таҳлили ҳамда унинг давлат дипломатиясидан фарқли жиҳатлари ёритилган. Шунингдек, дунёда тинчликни сақлаш, давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ҳамда турли халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ўрнатишда «халқ дипломатияси»нинг ўрни катталиги ҳақида фикр юритилган.

**Таянч сўзлар:** «Халқ дипломатияси», «дипломатия», «глобаллашув», «интеграция», ташқи сиёсат, «юмшоқ куч», миллий манфаатлар, маданий алоқалар, нодавлат ташкилотлари (ННТ), Халқ дипломатияси маркази.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув ва интеграция жараёнлари кучайиб бораётган бир шароитда замонавий дипломатиянинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида эътироф этилаётган «халқ дипломатияси» халқаро муносабатларнинг энг асосий ва ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

«Халқ дипломатияси» тушунчаси халқаро муносабатларда янги воқелиқдир, лекин у бугунги замонавий дунёда турли давлатлар ва халқларни бирлаштирувчи жуда муҳим, таъсирчан омил сифатида ўзининг мустаҳкам ўрнини эгалламоқда. Шу боисдан, «халқ дипломатияси»нинг давлат дипломатиясидан фарқли ўлароқ кўплаб ижобий ва таъсирчан хусусиятларга эгаллиги намён бўлмоқда.

Шу ўринда, сўзимиз аввалидаги «глобаллашув» ва «интеграция» тушунчаларига изоҳ бериб ўтсак. Юртимизнинг таникли олимларидан бири, профессор С. Отамуратов «глобаллашув инсоният тараққиётининг объектив қонунияти бўлиб, унинг узлуксизлигини ифода эттиради. Шу боисдан глобаллашув жараён ҳисобланади ва инсоният уни тўхтатиш ёки унга қарши тўсиқларни қўйишга қодир эмас» [1, Отамуратов С., 2013. б. 14], – деб таъкидлайди.

Интеграция – бу давлатларнинг миллий манфаатлари, халқаро тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни, жамоатчилик ўртасида ўзаро ишонч ва хайрихоҳликни таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий-маданий жабҳалардаги глобал ҳамда регионал масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган халқаро тизимнинг босқичма-босқич шаклланиш жараёнидир [2, Кўчаров Ч.Ш., 2008. б. 44-45].

Ҳўш, «халқ дипломатияси» деганда нима тушинилади?

Бунда биз, аксарият ҳолларда «халқ дипломатияси» тушунчасининг кўпгина манбаларда ҳукумат таркибига кирмайдиган жамоат бирлашмаларининг ижтимоий-сиёсий, маданий муносабатлари шакли сифатида талқин этилганлигини кўришимиз мумкин.

Илк бор, 1965 йилда «халқ дипломатияси» атамасини америкалик собиқ дипломат, Тафт университети (АҚШ)нинг Флетчер ҳуқуқ ва дипломатия

мактаби декани Эдмунд Гуллион фанга олиб кирган. Бу тушунча ҳозирги кунга қадар дунё олимлари ва амалиётчилари томонидан кенг қўлланилиб келинмоқда. Назарийчи Э. Гуллион «халқ дипломатияси» атамасини қуйидагича таърифлайди: «Халқ дипломатияси – жамоатчилик фикрининг ташқи сиёсатни шакллантириш ва юритишдаги таъсири билан шуғулланади. У анъанавий дипломатия доирасидан ташқарига чиқадиган халқаро муносабатларнинг алоқаларини қамраб олади, мамлакатда ҳукумат томонидан жамоатчилик фикрини шакллантириш, хусусий гуруҳлар ва манфаатларнинг ўзаро боғлиқлигини, бошқа томондан, халқаро ишлар ва уларнинг сиёсатга таъсири ҳақида ҳисобот бериш, дипломатлар ва хорижий мухбирлар билан алоқада бўлганлар ўртасидаги алоқалар ҳамда маданиятлараро мулоқот жараёнини ўрганади» [3, [www.uscpublicdiplomacy.org](http://www.uscpublicdiplomacy.org)].

Э. Гуллионнинг фикрига эътибор қаратадиган бўлсак, у «халқ дипломатияси» тушунчасини кенг миқёсда таърифлаганини ҳамда унинг ғоялари ҳозирги кунда ўзининг долзарблигини акс эттиришининг гувоҳи бўламан. Чунки, у давлатнинг ташқи сиёсатни шакллантириш ва юритишда жамоатчилик фикрининг ҳисобга олинишини илгари сурган. Шунингдек, «халқ дипломатияси»ни анъанавий дипломатия доирасидан ташқарига чиқадиган халқаро муносабатларнинг алоқаларини қамраб олиниши ҳам эътироф этган.

Маълумки, анъанавий дипломатияда давлатлар асосан, бир-бирлари билан муносабатларга киришишда аввало, иқтисодий ҳамда сиёсий манфаатларини устун қўйиб, муайян талаблар асосида дипломатик алоқаларини ўрнатади.

Машҳур америкалик сиёсатшунос, «юмшоқ куч» (инг. «soft power») атамаси муаллифи, Гарвард университети профессори Ж.С. Найнинг фикрига кўра, «халқ дипломатияси – «ақлли куч» усулининг муҳим воситасидир, аммо у «юмшоқ куч»ни яратишда ишонч, ўзини танқид қилиш ва фуқаролик жамиятининг ролини тушунишни талаб қилади» [4, [www.dash.harvard.edu](http://www.dash.harvard.edu)], – дейди.

Фикримизча, олим ўзининг назариясида «юмшоқ куч» ўзи истаган нарсага «қаттиқ куч» (иқтисодий ва ҳарбий қудрати) каби мажбурлаш ва пул тўлаш йўли билан эмас, аксинча, ҳарбий ёки иқтисодий ресурсларни ишга солмай туриб, тарафдор орттириш ва ўзига жалб қилиш орқали эришишни назарда тутган.

Россиялик олим Н. А. Ахундовнинг таъкидлашича, «халқ дипломатияси» – бу замонавий дунё ҳамжамиятининг долзарб муаммоларини ҳал қилишга жиддий таъсир кўрсатувчи турли хил ижтимоий кучларнинг кенг, оммавий ҳаракатидир [5, Ахундов Н. А., 1991. сс. 40].

Шунингдек, бошқа бир россиялик тадқиқотчи Т. И. Медведева «халқ дипломатияси» тушунчасини қуйидагича таърифлайди. Унга кўра, «халқ дипломатияси» – бу тинчликни сақлаш, давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш, турли халқлар ўртасида дўстлик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлар, нодавлат ташкилотлари (ННТ), ҳаракатлар ва институтлардан мустақил бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг норасмий ташқи ва ички сиёсий фаолиятидир» [6, Медведева Т. И., 2007. сс. 17].

Бу ерда «халқ дипломатияси» тушунчасига юқорида келтирилган россиялик олим Н. А. Ахундовнинг таърифига нисбатан анча кенг ёндашув бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Сабаби, тадқиқотчи Т. И. Медведева тушунчанинг замирида дунёда тинчликни сақлаш, давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда турли халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ўрнатиш каби мақсадлар ётганини ифодалаб берган.

Қозоғистонлик тадқиқотчилар Л.Ж. Абжапарова ва А. Б. Сарсембаевалар эса, «янги дунё тартиби» шароитида «халқ дипломатияси» халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчиларидан бирига айланганлигини таъкидлаб, «халқ дипломатияси» жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, биродарлашган шаҳарлар даражасидаги алоқалар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, халқаро ноҳукумат ташкилотлар каби элементларни ўз ичига олишини айтади [7, [www.fundamental-research.ru](http://www.fundamental-research.ru)].

Бундан кўриш мумкинки, жамоат ташкилотлари ва бирлашмаларининг фаолияти, халқаро ноҳукумат ташкилотларининг ҳамкорликни кучайтириш бўйича ташаббуслари мамлакатлар ўртасидаги барча даражадаги муносабатларни ривожлантиришга имкон яратади.

Шу ўринда тожикистонлик тадқиқотчи Б.Х. Бахриевнинг фикрига эътибор қаратсак, у «халқ дипломатияси»ни «... узоқ муддатли муносабатларни ўрнатишга, миллий ташқи сиёсат мақсадларини ҳимоя қилишга ва чет элда ўз давлатининг қадриятлари ва институтларини яхшироқ англашга қаратилган ҳаракатлар» [8, Бахриев Б. Х., 2017. сс. 131], – дея таърифлайди.

Бунда тадқиқотчи Б. Х. Бахриевнинг бошқалардан фарқли ўлароқ, тушунчани миллий ташқи сиёсат мақсадларини ҳимоя қилишга ва чет элда ўз давлатининг қадриятларини яхшироқ англашга қаратилган ҳаракатлар сифатида тасаввур қилгани намоён бўлади.

Ўзбекистонлик таниқли дипломат, сенатор С. С. Сафоев «халқ дипломатияси – бу «юрақдан юракка интилувчи дипломатия», у халқларнинг ва жамоатчиликнинг яқинлашишига ёрдам беради. Бу инсонларни яқинлаштирувчи алоқалардир, айнан халқ дипломатияси орқали инсонлар бир-бирларини яхши тушуна бошлайдилар» [9, [www.sputniknews-uz.com](http://www.sputniknews-uz.com)], деб таъкидлаган.

Ўз-ўзидан маълумки, дипломатиянинг бундай шаклини ривожлантиришда аввало, унда «инсон омили» етакчи роль ўйнайди. Бунда муайян бир шахс ёки гуруҳнинг ҳатти-ҳаракати халқларнинг ва жамоатчиликнинг яқинлашишига ёрдам беради. Шу билан бирга, томонларнинг ўзаро бир-бирларини яхши тушунишга ижобий таъсир қилади.

Профессор А. Файзуллаев эса, «халқ дипломатияси»га «... давлатнинг мақсад ва қадриятларини кенг жамоатчиликка тушунтиришга, мамлакатнинг ижобий имижини яратишга ва унинг халқаро майдондаги манфаатларини илгари суришга, халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган ташқи сиёсатининг муҳим қисмидир» [10, [www.gazeta.uz](http://www.gazeta.uz)], дея баҳо беради.

Муаллифнинг ушбу таърифидан мамлакатнинг ижобий имижини яратишда, шунингдек, халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда «халқ дипломатияси» давлат ташқи сиёсатининг муҳим қисми сифатида намоён

бўлишини англаш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, «халқ дипломатияси» – бу давлат дипломатиясидан фарқли равишда, давлатлараро ва минтақалараро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда турли маданият воситалари ҳамда халқларнинг азалий қадриятларидан кенг фойдаланган ҳолда йўлга қўйиш, шунингдек, халқлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириш маҳоратидир, дейиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий ва диний бағрикенгликни таъминлаш, жамиятда ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш ва шу орқали ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни кўз қорачигидек асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган пухта ўйланган сиёсат минтақамизда ҳамда халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилмоқда.

Бинобарин, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч, яхши қўшничилик алоқаларининг бардавом бўлиши дунёда сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, қолаверса, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик учун йўл очади. Бу каби мақсадларга эришишда «халқ дипломатияси» етакчи ўринни эгалламоқда.

Айни пайтда, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда «халқ дипломатияси» институтининг ролини кучайтириш, Ҳаракатлар стратегиясига [11, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)] мувофиқ Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлашнинг устувор жиҳатлари, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг «халқ дипломатияси»даги ўрни ортиб бораётганлигини кўриш мумкин.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларнинг янги босқичга чиққанини таъкидлаб, «.. биз фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттириш, мамлакатларимизда маданият кунлари ва турли ижодий тадбирларни мунтазам ташкил этиш, таълим ва сайёҳлик соҳасидаги алмашувларни «халқ дипломатияси»нинг энг муҳим воситаси сифатида ривожлантириш тарафдоримиз» [12, [www.president.uz](http://www.president.uz)], дейди.

Бундан ташқари, қўшни мамлакатлар чегарадош ҳудудлари даражасида алоқалар кенгайиб бораётгани, «халқ дипломатияси» механизмларидан фаол фойдаланилаётгани ҳам минтақа давлатлари муносабатларини мазмунан бойитмоқда. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 8-9 июнь кунлари Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида – «ШХТнинг доимий фаолият юритувчи «Халқ дипломатияси» марказини ташкил этиш гоёси»ни илгари сурганлигини эътироф этиш лозим [13, [www.president.uz](http://www.president.uz)].

Шундан сўнг, 2018 йил 26 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига [14, [www.lex.uz](http://www.lex.uz)] асосан, Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази ташкил этилган. Марказнинг асосий мақсади ШХТ мамлакатлари ўртасида

ўзаро ишонч ва яхши кўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашга, цивилизациялараро мулоқотни кучайтиришга ҳисса қўшишдан иборатдир. Шунингдек, Марказ маданий, илмий, таълим дастурларини амалга ошириш, делегациялар ташрифларини ташкил этиш, бадий кўргазмалар, мусиқа фестиваллари, санъат байрамлари ўтказиш орқали фаолият олиб боришни, халқаро алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантиришни ўзида мужассам этади.

